

Ҳожи Абдулғафур Абдурраззоқ Бухорий

Тарикат одоблари

(Нақшбандия таълимоти асосида)

Тошкент – 2003

Рисола тасаввуф илмига, тариқат одобига қизиқувчилар учун бир дастлабки қўлланма шаклида содда, равон тилда ёзилган. Муаллиф тариқатнинг исломий асосларини тўғри белгилаб, Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдан мисоллар келтиради. Тариқат одоби, мурид ва муршид сифатлари; шариат билан боғлиқ, хонақоҳ билан боғлиқ талабларни баён этади. Хусусан, тариқатнинг аҳамияти, маънавий пирлар салоҳияти, инсон камолоти ҳақидаги фикрлар ёшлар учун фойдалидир.

Рисола ислом асослари, тасаввуф масалалари ва ғояларини тўғри англашда ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилади, деган умиддаман.

Муқаддима ўрнида

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим.

Алҳамдулиллаҳи раббил оламин. Вал оқибату лил муттақин.

Вассалоту вас салому алаа хойри холқиҳи Муҳаммадин ва ғало олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъин.

Дунёга маълум ва машҳур бўлган Нақшбандия тариқати таълимоти Қуръони карим ва Ҳадиси шарифга асосланган бўлиб, унинг муриду мухлисларининг сони ҳозирги кунда ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Зеро, суннатни тирилтиришни асосий мақсад қилиб олган бу тариқатга Амир Темуру темурийзодалар, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Абдулқодир Бедил ва бошқа йирик мутафаккирлар мансуб бўлганлар.

Биз ушбу жажжи рисолани Нақшбандия тариқатига қизиқувчилар учун мўлжаллаб, ундаги ҳар бир таълимотнинг исломий манбаларини очишда Қуръони карим ва Ҳадиси шарифга таяндик. Чунки ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ва у зотнинг улуғ устозлари ҳар бир таълимотларини яратишда муқаддас манбаларга таянганлар.

Тариқатга киришдан олдин Ислом арконини, шариат аҳкомини бекаму кўст бажариш, тўғри эътиқодда бўлиш лозим. Шу сабабдан рисоланинг биринчи қисмини шу мавзуга бағишлашни маъқул кўрдик.

Унинг иккинчи қисмида **тасаввуф** сўзининг келиб чиқиши, валийлик (авлиёлик) мартабалари, шариат ва тариқат, пир ва мурид муносабатлари, муршиднинг аломатлари, тариқат қоидалари, муборак

рашҳалар, тариқатга кирувчининг одобу вазифалари, шунингдек, рух, нафс кўринишлари, зикр одоби, хатми хожагон тартиби ва шу қабилар ҳақида муқаддас китоблару ишончли манбаларга таяниб, суннатга мувофиқ тарзда тўхталишга ҳаракат қилдик.

«Мумтоз асарларда тасаввуф жилоси» ва «Бухоро хаттотлик санъатида тариқат талқини» тўғрисидаги мулоҳазалар рисоланинг учинчи қисмида берилди.

Абдулкарим ас-Самъонийнинг «Насабнома», Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат», Али Сафийнинг «Рашахоту айнил-ҳаёт», Носируддин тўра Бухорийнинг «Тухфат уз-зоирин» асарлари ва шу қабил бошқа тарихий, илмий, қомусий манбаларга, шунингдек, муаллифнинг улуғ устозлар билан ҳамсуҳбат бўлганида улар ҳақида эшитган маълумотга таяниб, «Силсилаи шариф» ва «Ўзбекистонда яшаган буюк пирлар» рўйхати китобга илова қилинди.

Ушбу мўъжазгина рисоламиз Сиз азиз китобхонларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Аллоҳ таоло барчамизни тўғри йўлга бошласин; рисолада номлари тилга олинган улуғ уламоларимиз, буюк машойихларимиз, азиз устозларимизнинг арвоҳларини хушнуд қилиб, уларнинг файзу футухидан ҳаммамизни насибадор айласин. Омин.

I–қисм

Ҳақ таоло маърифати

Азал ҳам Сен, абад ҳам Сен не аввал бирла охирким,
Анга йўқ ибтидо пайдо, мунга йўқ интиҳо пайдо.

(Алишер Навоий.)

Ҳар бир инсон ўз Парвардигорини таниши ва, албатта, ўзининг яратилганлиги ҳақида фикр юритиши лозим. «Ўзини таниган ўз Парвардигорини танийди», – дейилади муборак Ҳадиси шарифда.

Аллоҳ таоло одамзодга ёки бошқа махлуқотларга ўхшамайди. Унинг жисми ҳам, сурати ҳам, макони ҳам йўқ. У юқори, паст, олдин, орқа, ўнг ва чап тарафда ҳам дейилмайди. У ҳамма ерда ҳозир. Аллоҳ ейиш, ичиш, ухлаш каби инсоний эҳтиёжлардан холидир.

Аллоҳ таолонинг зотини билиб бўлмайди. Биринчидан, бу ҳақда чуқур баҳс юритиш шаръан ман этилган. Иккинчидан, Ҳақ таолони билишга бандаларнинг чекланган билими ва ақлининг қуввати етмайди. Буни Сўфи Оллоёр «Саботул-ојизин»да содда ва тушунарли баён қилганлар:

Эрур ҳокимки ҳукмин ўзга этмас,

Анинг Зотиға ҳеч кимнинг ақли етмас.

Фаришталар, набилар етмадилар,

Бўйин сундилару фикр этмадилар.

Ислоннинг устунлари

Ислон **إسلام** арабча сўз бўлиб, тинчлик, Аллоҳга таслим бўлмоқ, Аллоҳ ва пайғамбарнинг буйруқларига ишонмоқ маъноларини англатади. Аллоҳ ва пайғамбарнинг буйруқларига бўйсуниб, таслим бўлган киши мусулмон дейилади. Мусулмон киши бировга тили ва қўли билан озор бермаслиги керак.

Аллоҳ таоло «Оли Имрон» сурасининг 19-оятда марҳамат қилади:

{ إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ }

«Албатта, Аллоҳ наздида (мақбул) дин Ислон (дини) дир»¹.

Ислон дини 5 нарсадан иборат: иймон, намоз, закот, рўза ва ҳаж.

Иймон

Иймон **إيمان** 7 фарзни ўз ичига олади:

آمَنْتُ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْقَدَرِ خَيْرِهِ وَشَرِّهِ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى وَالْبَعْثِ

بَعْدَ الْمَوْتِ

¹Қуръондан олинган бу ва бундан кейинги оятлар Абдулазиз Мансур таржималарига мансуб.

«Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, элчиларига, охира-
т кунига, яхши-ёмон тақдирга ва қайта тирилишга иймон келтирдим».

Балоғатга етган ҳар бир инсон бу каби иймоннинг негизи, ислом
ақидасининг асосларига ишониши фарздир.

Аллоҳга иймон. Ҳар бир инсон **لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ** Лаа илаҳа
иллаллоҳу, Муҳаммадур расулуллоҳ – «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ,
Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси», – деса, у, шак-шубҳасиз, мусулмон
бўлади.

Фаришталарга иймон. Фаришталар нурдан яратилган. Араб
тилида – малоика. Улар кўзга кўринмас бўлиб, ҳеч вақт Аллоҳга қарши
бормайди, аксинча Унинг буйруқларига итоат қиладилар; емайдилар,
ичмайдилар, чарчамайдилар, зерикмайдилар; вазифалари нимадан
иборат бўлса, унинг ҳаммасини бекаму кўст бажарадилар.

Китобларга иймон. Башариятга Аллоҳ томонидан 4 та самовий
китоб юборилган. Аллоҳнинг пайғамбарларига ваҳий орқали юборган
буйруқларига ишонмоқ фарздир. Одам алайҳиссаломдан Муҳаммад
алайҳиссаломгача келиб кетган ҳамма пайғамбарларга юборилган
китобларнинг барчаси ҳақдир.

Инсонлар учун ягона нажот йўли – Қуръони каримга амал қилиш.
Чунки Қуръон – ёғду, нур, билим йўли ва ҳидоят манбаи.

Пайғамбарларга иймон. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссалом ва у кишининг зурриётларини яратиб, инсонни энг улуғ мавжудот қилиб қўйди ва барча нарсани унга бўйсундирди. Пайғамбарларнинг биринчиси – Одам алайҳиссалом. Муҳаммад алайҳиссалом эса бутун оламларга раҳмат қилиб юборилган охириги пайғамбар бўлиб, бу ҳақда Қуръони каримда айтилади:

{ مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ }

«Муҳаммад сизларнинг эркакларингиздан бирортасининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг муҳридир».
(Ахзоб сураси, 40-оят.)

Ҳадиси шарифда: **وَلَا نَبِيَّ بَعْدِي** «Мендан кейин пайғамбар йўқ»,– дейилади.

Биз ҳамма пайғамбарларга иймон келтиришимиз шарт.

Охираат кунига иймон. Қиёмат кунини ҳар бир киши Аллоҳ олдида қилган ишлари учун ҳисобот беради. Ҳар ким дунёда яхши-ёмон ишларининг натижасини кўради. Яхшилар жаннатдан жой олиш билан мукофотланадилар, ёмонлар дўзахда жазоларини тортадилар. Мўъминларнинг гуноҳкорлари эса дўзахда жазоларини ўтаб бўлгандан кейингина жаннатга кирадилар.

Тақдирга иймон. Аллоҳнинг барча бўлажак нарсаларнинг яратилишдан олдин қачон бўлишини, қаерда бўлишини, қандай бўлишини ва бошқа энг нозик томонларини азалдан билиб, бўлажак ишларини тайин этиши ва белгилашига **тақдир** дейилади.

Тақдирдаги яхшилик ва ёмонликка ишониш фарздир.

Аллоҳ таоло айтадики:

{إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ}

«Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик». (Қамар сураси, 49-оят.)

Аллоҳ таоло ҳар бир инсоннинг тақдирига яхшилик йўлини танласа, унинг мукофоти жаннат, ёмонлик йўлини танласа, унинг жазоси дўзах эканлигини ёзиб қўйган. Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

مَا مِنْكُمْ إِلَّا وَقَدْ كُتِبَ مَقْعَدُهُ مِنَ النَّارِ وَمَقْعَدُهُ مِنَ الْجَنَّةِ

«Ҳар бир кишининг тақдирига яхшилик йўли билан борса жаннатий бўлиши, ёмонлик йўлини танласа дўзахий бўлиши ёзиб қўйилган».

Аллоҳ таоло инсонга жузъи ихтиёр ва фикр юритиши учун ақл берди. Инсон ўз ихтиёри ва ақли билан ё яхшилик йўлини ёхуд ёмонлик йўлини танлайди: инсонга танлаш ҳуқуқи берилган.

Аллоҳ таоло «Шамс» сурасининг 8-оятида:

فَأَلْهَمَهَا فُجُورَهَا وَتَقْوَاهَا

«Унга фикс-фужурни ҳам, тақвосини ҳам илҳом қилиб қўйган зот».

«Балад» сурасининг 10-оятида:

{وَهَدَيْنَاهُ النَّجْدَيْنِ}

«Яна уни икки йўлга (яъни ҳидоят ва залолат йўлларига) йўллаб қўйдик-ку!» деб таъкидлайди.

Аллоҳ инсонга ихтиёр, яъни танлаш ҳукуқини бермаганида дўзахга тушган бандалар: «Эй Раббимиз! Бизнинг тақдиримизга дўзахий деб ёзган Ўзинг-ку! Энди бизни дўзахда азоблайсанми?»-деб норозилик қилишлари мумкин эди.

Қайта тирилишга иймон. Инсонлар ва барча махлуқлар қиёмат куни қайта тирилади ва ҳисоб-китоб қилинади. Ҳар бир киши ўлими-дан кейин мангу бир ҳаётнинг борлигига ишониши фарз.

Аллоҳ таоло айтади:

{قُلْ إِنَّ الْأَوَّلِينَ وَالْآخِرِينَ، لَمَجْمُوعُونَ إِلَىٰ مِيقَاتِ يَوْمٍ مَّعْلُومٍ}

«(Эй, Муҳаммад, уларга) айтинг: «Албатта, аввалгилар ҳам, кейингилар ҳам маълум Кундаги белгиланган вақтда, албатта тўпланувчидирлар!» (Воқеа сураси, 49-, 50-оятлар.)

Гуноҳи кабиралар

Гуноҳи кабиралар (улкан гуноҳлар) даражасига кўра бир неча хил бўлади.

1. Эътиқодга тегишли улкан гуноҳлар: ширк, фақат дунёвий ғараз учун шаръий таълим олиш; илмни яшириш; Аллоҳдан бошқасига назр ва жонлиқ сўйиш; сеҳр ўргатиш ва у билан шуғулланиш; мусулмон кишини лаънатлаш ёки уни далилсиз кофирга чиқариш; Аллоҳ ва расулига нисбатан ёлғон тўқиш; охират азобидан хотиржам бўлиш; ўликка ёқа йиртиб, юзига уриб йиғлаш, тақдирга ишон-маслик.

2. Нафс ва амалга оид улкан гуноҳлар: ноҳақ одам ўлдириш; инсонлар ва ҳайвонларни ўтда куйдириш; заифлар (хотинлар, хизматкорлар, ходимлар ва шогирдлар)га нисбатан зўравонлик қилиш; ғийбат, чақимчилик; маст қилувчи ичимликлар ичиш; захар ичиш; чўчка гўшти ва ўлакса ейиш; гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш; зарарли нарсаларни истеъмол қилиш натижасида секинлик билан бўлса-да, ўзини ҳалок қилиш; босқинчилик ва талон-тарож; ҳақни инкор қилиш ва ундан ғазабланиш; инсонларни таҳқирлаш, бошқанинг ота-онасини сўкиш (бунда ўзининг ота-онасини сўккан бўлади); такаббурлик; манманлик; инсонлар зарарига жосуслик қилиш.

3. Мол-мулкка доир улкан гуноҳлар: етимнинг молини ейиш; бировнинг молини тортиб олиш; қимор ўйнаш; ўғирлик; йўлтўсарлик; порахўрлик; ўлчов ва тарозидан уриш; савдода ёлғон қасам ичиш ва

ёлғон гувоҳлик бериш; аҳдга вафо қилмаслик; фирибгарлик; исрофгарлик; меросхўрлардан бошқалар ҳақиға қилинган васиятни бузиш; шаҳодатни бекитиш; Аллоҳнинг тақсимотиға рози бўлмаслик; эркакларнинг тилла буюм тақиши.

4. ***Ибодат борасидаги улкан гуноҳлар***: намозни тарк қилиш ёки уни узрсиз кечиктириш; пули нисобға етганда закот бермаслик; рамазон рўзасини узрсиз тутмаслик; қодир бўла туриб ҳаж қилмаслик; жума ва жамоат намозини узрсиз тарк этиш; қодир бўла туриб, амри маъруф ва наҳйи мункар қилмаслик; бавл (сийдикнинг кийимға ва баданға сачраши)дан сақланмаслик; илмиға амал этмаслик.

5. ***Оила ва насабға тааллуқли улкан гуноҳлар***: зино (эркак билан аёлнинг никоҳсиз жинсий алоқаси); бесоқолбозлик, покиза, мўмина аёлларға тухмат; аёлнинг жамолини кўз-кўз қилиши, ўзига оро бериб ҳаддан ошиши; хотинлар ўзини эркакка ўхшатиши; эркакларнинг аёлларға ўхшаши; ота-онаға оқ бўлиш; қариндошлардан алоқани шаръий сабабсиз узиш; хотин эрининг яхшиликларини инкор этиши; эр хотинининг зино қилишиға рози бўлиши; қўшниға озор бериш.

Инсоний бурчлар

Йўлиққанда таниган ва танимаган кишиларга салом бериш; қариндош–уруғларни ҳурмат қилиш; касал кишиларни бориб кўриш; мусибат етганларга таъзия изҳор этиш; таъзияларда иштирок қилиш; биров ҳурмат қилиб меҳмонга чақирганда (агар у ерда уят ишлар, ёмон гаплар, оқибати ёмонликка олиб келадиган ҳолатлар бўлмаса) бориш; аксирган киши **الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ عَلَى كُلِّ حَالٍ** «алҳамдулиллоҳи раббил оламин ало кулли ҳол» (хар бир ҳолатда оламларнинг рабби –Аллоҳга шукр) дейиши; юки оғир бўлган кишиларга, ожизларга ёрдам бериш; бировнинг мулкига хиёнат қилмаслик; зарарсиз ҳайвон ва ҳашаротларга ғамхўр бўлиш; дарахтларни беҳуда синдирмаслик; ўсимликларни топтамаслик; йўлларни, ариқларни тоза тутиш; жамоат мулки ва хиёбонлар, ундаги ашёларни ўз мулкидай асраш; ҳовли, кўчани, ариқ сувларини ифлосламаслик; бошқа дин вакилларининг эътиқодларини камситмаслик; инсонларни қадрлаш ва уларга ҳурмат назари билан қараш; тарихий–меъморий, этнографик, археологик обида ва ашёларни,

адабий, тарихий, илмий меросни қадрлаш, ҳар бир халқнинг урф-одати, обрўйи, кадрияти ва маънавиятини ҳурмат қилиш.

Тафаъул – яхшиликка йўйиш

Ҳадисларда қайд қилинган **тафаъул** сўзининг луғавий маъноси – яхшиликка йўйиш. Пайғамбар алайҳиссалом ҳамма ишда тафаъулни яхши кўрар эдилар. Бир куни пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига Суҳайл исмли саҳоба кириб келадилар. Шунда расулуллоҳ:

يَا سُهَيْلُ، قَدْ سَهَّلَ اللَّهُ أَمْرَكُمْ

қилди»,– дедилар. Чунки «Суҳайл» осон деган маънони англатади. Тафаъулга мисол ҳаётимизда кўп учрайди. Масалан: урф-одатимизга биноан келин-куёв олдига ҳар хил ноз-неъмат билан бир қаторда бир неча тухум ҳам қўйилади. Аслида тухум қўйишдан мақсад – уларнинг серфарзанд бўлишини Аллоҳдан тилаш. Ёхуд келин-куёвга қандобга сут қўшиб берилади. Бундан мурод – уларнинг ҳаёти сутдай беғубор, қанддек ширин бўлишини иташ. Ёки халқимизда келин-куёв сарпосини ёши улуғ, серфарзанд, оқил, олим киши кийдириши лозим кўрилади. Ниятлари – фарзандлари шулар каби серфарзанд, оқил, олим бўлишларини Аллоҳдан сўраш. Шунингдек, киши қандай туш кўрмасин уни яхши деса, Аллоҳ таоло ўша тушга яхшилик ато қилади.

Лекин тафаъул билан **ташаъум** (ирим)ни аралаштириш керак эмас. Ирим қилиш – бу гуноҳ. Баъзилар олдидан қора мушук ўтса ёки ҳафтанинг айрим кунлари касал кишини кўришга бормоқни ирим қилади. Ваҳоланки, қора мушук ёки фалон кун бизнинг тақдиримизни ўзгартиролмайди. Агар бизда мазкур ҳолатлардан кейин нохушлик содир бўлса, шулардан деб ирим қилиб юрамиз. Аксинча, кимки ирим қилса, у ўзига касофат бўлиб ёпишади.

Аллоҳ таоло марҳамат қиладики:

{قَالُوا طَائِرُكُمْ مَعَكُمْ}

«Айтдилар: «Шумланишингиз ўзларингиз биландир». (Ёсин сураси, 19-оят.)

Шумланиш (ташаъум) бу – ирим қилишдир.

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

لَا طَيْرَةَ فِي الْإِسْلَامِ «Ислолда ирим йўқ».

Нотўғри эътиқоддаги баъзи кишилар: «Никоҳ келин-куёвни боғлаб қўяди ёки чилла тушади»,– деб келин-куёвга никоҳ ўқитишмайди. Бу гуноҳдир. Уларга никоҳ ўқитмаган киши, албатта, Аллоҳнинг ғаза- бига дучор бўлади. Чунки никоҳсиз турмуш гўё зино қилгандай бўлади.

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

النِّكَاحُ سُنَّتِي فَمَنْ رَغِبَ عَن سُنَّتِي فَلَيْسَ مِنِّي

«Никоҳ менинг суннатимдан. Кимки суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмас».

II қисм

Тасаввуф таълимоти пайғамбарлардан мерос қолган. Ҳар бир улуғ пайғамбар ўз қалбини Аллоҳнинг зикри билан пок этиб, Унинг буйруқларини бекаму кўст бажарган ва ўз қўллари билан меҳнат қилиб ҳалол ризқ еганлар. Масалан, Одам алайҳиссалом деҳқончилик, Идрис алайҳиссалом тикувчилик, Довуд алайҳиссалом темирчилик, Мусо ва Муҳаммад алайҳиссаломлар чўпонлик қилганлар. Кейинчалик Муҳаммад алайҳиссалом тижорат билан шуғулланганлар.

Роҳиблик (таркидунёчилик)ни Аллоҳ таоло буюрган эмас, балки уни кишиларнинг ўзлари ўйлаб чиқарган бўлиб, бу ҳақда Аллоҳ таоло айтади:

{وَرَهْبَانِيَّةً ابْتَدَعُوهَا مَا كَتَبْنَاهَا عَلَيْهِمْ}

«Роҳибликни эса улар ўзлари чиқариб олдилар. Биз уларга уни (роҳибликни) ёзганимиз йўқ». (Ҳадид сураси, 27-оят.)

Пайғамбар алайҳиссалом айтадиларки:

لَا رَهْبَانِيَّةَ فِي الْإِسْلَامِ «Исломда роҳиблик йўқ».

Сўфий (صوفي) сўзининг келиб чиқиши: пайғамбар

алайҳиссаломнинг муборак масжидлари ёнида баъзи камбағал саҳобалар суфа(супа)да яшаганлар. Шунинг учун улар «аҳли суффа» ёки «асҳоби суффа» дейилган. **Бу тарихий таъриф.**

Суф (صوف) – жун кийим, сўфий эса – жун мато кийган киши, жандапўш дегани. Сўфийлар одатда жундан кийим кийиб юрганлар. **Бу зоҳирий таъриф.**

Сўфийлар қалбларини Аллоҳ зикри билан покиза қилганлари, доимо зикр айтиб юрганлари учун, яъни «сафо ул-қалб» (қалби софлиги) учун сўфий деб ҳам айтилган. **Бу ботиний таъриф.**

Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак суннатларини кишилар ўртасига ёйиш, уларга доимо амал қилиш, асҳоби суфага, жандапўшликка ва қалб покизалигига қаттиқ эътибор берганлари учун сўфий деб айтилган. **Бу амалий таъриф.**

Валийлик (авлиёлик) мартабалари

Валий ولي дўст, кўплиги **авлиё** أولياء дўстлар дегани. Авлиёлар – Аллоҳнинг дўстлари, Унинг розилигини топган зотлар, Аллоҳга яқин кишилар. Улар – Ҳақ таолонинг севикли ва суюкли, унинг назари тушган солих, тақводор, кароматли ва ихлосли бандалари. Авлиёлар

вафотларидан кейин ҳам инсонларга маънавий фойда етказиб, уларнинг тушларига кириб, инсонларни бирор нарсадан огоҳ этадилар ёки уларга насихат қиладилар, танбеҳ берадилар. Авлиёлар тўғрисида ҳар хил салбий фикр билдиришдан, уларни васила (восита) қилиш, уларнинг қабрларини зиёрат қилиш ёки ҳақларига дуои фотиҳа қилиш ширк дейишдан эҳтиёт бўлиш керак. Чунки Аллоҳ таоло айтадики:

{أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَ اللَّهِ لَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ، الَّذِينَ آمَنُوا وَكَانُوا يَتَّقُونَ}

«Огоҳ бўлингизки, албатта, Аллоҳнинг валий (дўст)ларига (охиратда) хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмаслар. Улар иймон келтирган ва тақволи бўлганлардир». (Юнус сураси, 62–, 63–оятлар.)

Авлиёлар Аллоҳ нурининг маъданлари бўлиб, уларга Ҳақ таоло томонидан каромат берилади. Каромат – пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларига доимо амал қилиш натижасида пайдо бўлади.

كِرَامَةُ الْأَوْلِيَاءِ حَقٌّ – Авлиёларнинг каромати ҳақ.

Авлиёларнинг 6 та табақаси бор:

1. **Қутб** **قطب** – тасаввуф шайхларига бериладиган энг олий унвон.

Тасаввуфда маълум бир даражага етган авлиёлар. Улар икки нафардирлар. Ҳар бир даврнинг ўз қутби бўлиб, улар ҳар бир замонда мавжуд бўладилар. Уларнинг қалби Муҳаммад алайҳиссалом қалблари билан алоқадор бўлади.

2. **Ғавс** غوث – бу ҳам қутб каби бўлиб, ёрдам берувчи деган маънони англатади.

3. **Абдол** ابدال – ғойиб кишилар тоифасидан бўлиб, ўзлари халқ ичида бўлсалар-да, уларнинг абдол эканликларини ҳеч ким билмайди. Абдол форс ва туркий тилларда “чиҳлтан” (қирқ кишидан иборат) деб юритилади. Улардан қайси бири вафот этса, ўрнига дарҳол янгиси тайин этилади. Олдинги кишига бадал (ўринбосар) бўлиб келгани учун ҳам уларга «абдол», яъни ўринбосарлар деб ном берилган. Баъзи манбаларда уларнинг адади 400 талиги қайд қилинган.

4. «**Автод**» اوتاد сўзининг луғавий маъноси – қозиклар. Улар ҳам абдол каби зотлар бўлиб, ададлари баъзи манбаларда 4 нафар дейилса, баъзиларида 70 нафар дейилган.

5. **Нужабо** نجبا – олий зот бир тоифа авлиёларки, улар фақат инсонларнинг фойдаси учун фаолият кўрсатадилар. Уларнинг одамлар ҳаққига қилган дуолари мустажоб. Уларнинг адади баъзи манбаларда 70 киши дейилса, яна бир манбаларда 40 киши деб кўрсатилган.

6. **Нуқабо**. نقبا Тасаввуфда бир тоифа авлиёларга шу ном берилган бўлиб, улар умматлар учун зоминдирлар. Улар одамларнинг сирларидан воқифдирлар. Ададлари – 300 нафар.

Шариат ва тариқат, маърифат ва ҳақиқат

Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларининг бирида:

Барча ишни комил тутиб шариатга,

Бошдин кечиб, қадам қўюб тариқатга.

Жону дилин муштоқ этиб маърифатга,

Ҳақиқатнинг асрорига жўён бўлур, – дейилса,

Яна бошқа бирида:

Тариқатга шариатсиз кирганларни,

Шайтон келиб, иймонини олар эрмиш, – деб таъкидланади.

Шариат شريعة – Аллоҳ таоло томонидан пайғамбарлар орқали инсонларга юборилган илоҳий буйруқлар ва исломий қонунлар мажмуаси.

Шариатнинг асоси – илм, амал ва ихлос. Буларнинг учаласи бирлашса, инсонни Аллоҳга яқинлашиш йўлига олиб боради.

Тариқат طريقة сўзи арабча йўл деган маънони англатиб, Аллоҳ таоло буюрган, пайғамбар алайҳиссалом юрган йўллардан бориб, у кишининг ҳамма суннатларига амал қилиш, аҳли сунна вал жамоа ақидасига ишониш ва амал қилиш, Аллоҳга яқинлашиш ва Унинг розилигига эришиш учун юриш керак бўлган йўлдир.

Тариқат шариатга қувват ва безак беради. Шариатдан узоқ тариқат – бу тариқат эмас. Тариқат арбоблари Қуръон ва Ҳадисга, мазҳаб ва ақидага таяниб, Аллоҳни таниш, Ҳақ таолонинг васлига етишиш учун тариқатларга асос солганлар. Тариқатнинг қуроли – зикр ва тафаккур.

*Маърифат*нинг *معرفة* луғавий маъноси таниш, билиш бўлиб, тасаввуфий маъноси эса инсон ва илоҳий сир-асрордан воқиф бўлиш демакдир.

Аллоҳни таниган кишилар *ориф* деб аталадилар.

Маърифат босқичида инсон Ҳақ таолони кўнгил билан таний бошлайди. Маърифат – Ҳақ таолодан бериладиган илоҳий илҳом. Бу ладуний илм – Аллоҳ таолонинг ўз ҳузуридан суюкли ва хос бандаларига юборадиган ботиний илм дейилади.

3 хил илм босқичлари бор:

1. Илмул-яқин
2. Айнул-яқин.
3. Ҳаққул-яқин.

Илмул-яқин – билим орқали ишонил.

Айнул-яқин – қулоқ билан эшитиб, кўз билан кўриб ишонч ҳосил қилиш.

Ҳаққул-яқин – эшитиб ёки ўқиб, кейин кўз билан кўриб, унинг ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилиш.

Ҳақиқат حقیقة – солиқнинг Ҳаққа етишиш босқичи.

Байъат!

Пир ва мурид муносабатлари

Пайғамбар алайҳиссалом замонларида саҳобаи киромлар, мусулмонлар ислом динини барқарор этиш, ўзларининг ҳуқуқий давлат ва жамиятларини қуриш, пайғамбар алайҳиссаломга доимо итоатда бўлиш, дину диёнатда, эътиқодда Қуръони кариму Ҳадиси шарифга амал қилиш ва расулуллоҳни ҳимоя этиш учун Аллоҳни орага қўйиб байъат қилганлар, яъни аҳд-паймон этганлар.

Аллоҳ таоло марҳамат қиладики:

{ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ }

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) иш эгалари (раҳбарлар)га итоат этингиз!» (Нисо сураси, 59-оят.)

Бу итоат Аллоҳ ва Унинг расулига қандай бўлса, раҳбарларга итоат қилиш ҳам шундай вожиб.

Байъат 2 хил бўлади:

1. **Байъат ул–умаро.** Ўз Ватанини ҳимоя қилиш, жумҳурият ва давлат раҳбарларига итоат, сайлов пайтида уларга овоз бериш, давлат қонунларига бўйсунуш.

2. **Байъат ул–уламо** (ёки «байъати муршид»). Қуръони карим ва пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларини бекаму кўст бажариш, комил бир пиру муршидга эргашиш ва уларга итоат қилиш.

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

«اغْدُ عَالِمًا أَوْ مُتَعَلِّمًا أَوْ مُسْتَمِعًا أَوْ مُحِبًّا وَلَا تَكُنِ الْخَامِسَ فَتَهْلِكَ» (رواه البزار)

«Аввало олим бўл! Лоақал таълим олувчи ёки тингловчи ёхуд уларни севувчи бўлгин. Аммо бешинчи одам (мазкур тўрт хислатдан ташқаридагиси) бўлмагинки, ҳалок бўлурсан».

Ҳар бир киши бир олим кишига, пиру муршидга эргашиши керак. Бўлмаса ҳидоят йўлидан адашиши мумкин.

«**Пир**» форсча–тожикча сўз бўлиб, қари, кекса маъноларини англатади. Тасаввуфий маъноси эса солиқлар ва муридларга сабоқ берувчи шайх демакдир.

«**Муршид**» сўзи ҳам шу маънода бўлиб, йўл кўрсатувчи, иршод қилувчи дегани: тариқат одобидан сабоқ берувчи устоз.

«Мурид» арабча сўз бўлиб, хоҳловчи, бирор ишни қилишни ўзига мақсад этиб олган киши маъноларини англатади. Тасаввуфда тариқат пирларига бориб дарс олувчи шогирд тушунилади.

Мурид бидъат, нотўғри ақида, салбий феъл-атвордан сақланиш учун муршиди билан маслаҳатлашиб, диний ва ҳаётий масалаларни у кишидан сўраб сабоқ олиши керак.

Аллоҳнинг мухаббатига сазовор бўлиш, Уни севиш, Унинг ишқида ёниш – **фано филлоҳ**.

Пайғамбар алайҳиссаломни барча инсонлардан, ота-онасидан, фарзандларидан ҳам кўра кўпроқ севиш – **фано фир-расул**.

Шайхини чин дилдан севиш, унинг хизматида бўлиш, ҳурматини жойига қўйиш – **фано фиш-шайх**.

Муршиднинг вазифаси ҳам шу – муридни тарбиялаш.

Эргашишга лойиқ муршиднинг аломатлари

Ҳужжат ул-ислом Имом Абу Ҳомид Ғаззолий эргашишга лойиқ муршиднинг қуйидаги 5 сифатини баён қилганлар:

«Олим бўлиши, тақводор бўлиши, унда дунё севгиси ва шон-шуҳрат бўлмаслиги, яшаётган ҳудудида доимо тўғрилиги билан машхур

бўлиши ва охиргиси унинг атрофида, унга эргашганлар орасида олимлар бўлиши керак.

Шу каби сифатлар соҳибини учратганигда ҳеч иккиланмай ўз нафсинг тарбиясини унга топшир. У зот сени Аллоҳ учун нафсингни тарбиялайди ва сен ҳақиқатни мушоҳада қиласан».

Мухаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий «Тасаввуф сирлари» рисолаларида эргашишга лойиқ муршиди комилнинг 19 аломати бўлишини қайд қилганлар. Улар:

1. Барча зарур диний илмдан воқиф бўлиши;
2. Ётиқодда, амалда ва ахлоқда исломий мезонларга содиқ бўлиши;
3. Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларига маҳкам боғланган бўлиши;
4. Дунёга ва дунё молига фикрини чалғитмаслик;
5. Ҳеч вақт нафсининг камолот даражасига етганлигига ишонч ҳосил қилмаслик(сабаби: бу туйғу ҳам дунё севгисидан бир парчадир);
6. Комил бир муршиднинг суҳбатидан маълум вақтгача бахраманд бўлган ва бир орифнинг тарбиясини олган бўлиш, моддий ва маънавий жиҳатдан тўқ бўлиши;
7. Замондошлари бўлмиш инсофли шайх ва олимлар ҳақида яхши фикрда бўлиши;

8. Халқ орасидан кўпгина ақлли ва диндор, таҳсил кўрганларнинг унга рағбат кўрсатиши;
9. Иршод истаганларни ўқитиб, тарбиялар экан, шафқатли бўлиши;
10. Муридларининг аҳволини тушуниш учун зийрак ва кучли фаросат эгаси бўлиши;
11. Унинг суҳбатида ўтирганлар қалбларида дунё севгисининг камайганлиги ва Аллоҳга бўлган севгининг кўпайганлигини ҳис қилиши;
12. Муридларга ўз нафсида татбиқ этмаган амр, суннат ва макруҳлар ҳақида гапирмаслик (акс ҳолда сўзининг таъсири қолмайди);
13. Гаплари ҳою ҳавасдан, ҳазил ва сафсатадан холи бўлиши;
14. Ҳаддан зиёд таъзим этилишини кутмаслик, атрофидагиларга уларнинг кучи етмайдиган оғир таклифлар қилмаслик;
15. Зериктирадиган даражада амал юкламаслик;
16. Мурид билан кўп апоқ-чапоқ бўлмагани каби ундан унчалик узоқ ҳам бўлмаслик;
17. Муридлар билан ўтирганида, сукут ва виқор билан ўтиради, уларга ошиқча илтифот кўрсатмайди.
18. Муридлардан бири уйга таклиф этса, қабул қилиши ва у ерга борганда иззат-ҳурматини қўлдан бермаслик;

19. Муридларидан бирортаси узоқ вақт кўринмай кетса, унинг аҳволини сўраб-суриштириши, агар касал бўлиб қолган бўлса, унга ёрдам кўлини чўзиш, зиёрат қилиш, зарур эҳтиёжи бўлса, қондириш ёхуд жамоат билан бирга унинг ҳаққига дуо қилиш».

Муриднинг ҳам нафсига оид 15 вазифаси борлигини таъкидлаганлар:

1. Ёмон инсонлардан узоқ юриш;
2. Жунуб бўлган ҳолда ётиб ухламаслик;
3. Ҳамиша таҳоратли бўлиб юриш;
4. Нафсини тергаш (робитаи мавтия);
5. Ҳар кунги амалларини назорат қилиб бориши;
6. Инсонларнинг мулозаматига алданиб қолмаслик;
7. Баланд овозда қаҳқаҳа отиб кулишни, қовоғи осикликни ташлаш;
8. Оз ухлаш;
9. Кам гапириш;
10. Кам емоқлик;
11. Қорни очмагунча овқатланмаслик ва тўймасдан дастурхон бошидан туриб кетмаслик;
12. Овқатланишдан олдин «Бисмиллоҳ», еб бўлгач «Алҳамдулиллоҳ» дейиш;

13. Овқатланишда одоб билан ўтириш;
14. Номахрамларга қарамаслик;
15. Ўринсиз ҳазил–мутойиба ва мунозаралардан узоқлашиш.

Бундан ташқари, яна муриднинг вазифалари:

1. Зикр учун алоҳида вақт ажратиш;
2. Зикрларни нуқсонсиз, тўла–тўқис адо этиш;
3. Жамоат билан намозни ўқишни тарк қилмаслик;
4. Суннати завоид (қўшимча суннат) намозларини доимо ўқиб бориш.

Мурид устозининг ҳар бир шаръий таълимини тўғри қабул қилиши лозим. Ўзида бирор аломатларни сезса, ҳеч тортинмай ва одобини жойига қўйиб, устозидан маслаҳат олиши керак.

Мурид муршиднинг камтаринлик, хушмуомалалик, чиройли одоб ва бошқа фазилатларини ўзида мужассам қилиши лозим. Ибодатларда, зикрларда, таваккул, таважжух ҳамда робитада устозига эргашиши, пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларига бекаму кўст амал қилиши зарур.

Тариқат қоидалари

Тариқат қоидалари кишининг руҳий–маънавий камолот босқичи бўлиб, бухоролик улуғ шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ Калободий

(Гулободий) (ваф.991й.) ҳазратлари «Ат-Таъарруф ли мазҳабит-тасаввуф» (Тасаввуф йўлини таништириш) китобларида тариқатнинг қуйидаги 17 қоидаси борлигини таъкидлаганлар:

1. **Сабр** (صبر) – бошга тушган ҳар бир қийинчиликка чидам кўрсатиш.
2. **Фақр** (فقر) – Аллоҳга бандаликни сидқидилдан бажариш; аммо бу қашшоқликда яшаш дегани эмас.
3. **Тавозе** (تواضع) – кишининг Аллоҳга хокисорлиги; камтарлик.
4. **Хавф** (خوف) – инсоннинг иймондан ажралишидан кўрқиши.
5. **Тақво** (تقوى) – Аллоҳдан кўрқиш, ҳаромдан ҳазар қилиш.
6. **Ихлос** (إخلاص) чин юракдан ишониш.
7. **Шукур** (شكر) – Аллоҳнинг неъматларини эътироф этиб, Унга шукроналар айтиш.
8. **Таваккул** (توكل) – ҳамма ишни Аллоҳга топшириш, ожизлигини Аллоҳга билдириш.
9. **Ризо** (رضا) – тақдирнинг ҳукмига рози бўлиш.
10. **Яқин** (يقين) – тўла ишонч;
11. **Зикр** (ذکر) – доимо Аллоҳни ёдда тутиш.

12. **Унс** (أنس) – зикр билан улфат бўлиш.
13. **Қурб** (قرب) – Аллоҳга ибодат билан яқин бўлиш.
14. **Васл** (وصل) – қалбга Аллоҳ нурининг кириши;
15. **Муҳаббат** (محبة) – Аллоҳга мойил бўлиш;
16. **Вужд** (وجد) – Аллоҳнинг сирларидан воқиф бўлиш.
17. **Ғалаба** (غلبة) – Аллоҳга бўлган муҳаббат барча нарсадан устун келиши.

Булардан ташқари Абу Наср Саррож (ваф. мил.998й.) қуйидагиларни ҳам келтирганлар: **тавба, вараъ, зуҳд, фақр, сабр, хавф, ражо, таваккул, ризо.**

Робита

«Робита» (رابطة) дегани – боғланиш.

Аллоҳ таоло марҳамат қиладики:

{ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اصْبِرُوا وَصَابِرُوا وَرَابِطُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ }

«Эй, иймон келтирганлар! Сабр қилингиз, бағри кенг бўлингиз ва (Аллоҳ йўлига) тахт бўлиб турингиз ва Аллоҳдан қўрқингиз, зора (шунда) толе топсангизлар!» (Оли Имрон сураси, 200-оят.)

Робитаи мавтия – бу ўлимни эслаш, ўлим билан боғланиш.

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

مُوتُوا قَبْلَ أَنْ تَمُوتُوا

(قال الحافظ ابن حجر هو غير ثابت، وقال القاري هو من كلام الصوفية، والمعنى موتوا اختيارا بترك الشهوات قبل أن تموتوا اضطرارا بالموت الحقيقي)

«Ўлмасдан олдин ўлинглар». Бу мутлақо ажал келмасдан олдин ўзларингизни ўлдилинглар дегани эмас. Аксинча, бундан мақсад ўлим келмасдан олдин уни эслаб туриш, унга тайёр бўлишни таъкидлашдир. Чунки Исломда ўзини ўзи ўлдириш қораланади. Ўз жонига қасд қилганлар эса дўзахга маҳкум қилинади.

Аллоҳ таоло ҳар бир инсонга умрни белгилаб қўйган. Инсон ҳаётлик вақтида, албатта, Аллоҳга йўлиқиш ҳақ эканлигини, Аллоҳни эсдан чиқармаслик учун ҳар куни ўлимни эслаши, ўлимнинг ҳақ эканлигини тан олиб, «бу дунёда охиратим учун нима иш қилиб қўйдим, кимларни ранжитдим, кимларнинг кўнглини оғритдим, кимлар менинг орқамдан илиқ сўзлар айтади, кимлар мени лаънатлайди»,– каби саволлар билан ўзини сўроқ (имтиҳон) қилиши керак.

Ҳақ таоло бандаларига жуда ҳам яқин, лекин бандалар Ундан узоқ. Аллоҳ таоло «Қоф» сурасининг 16–оятида марҳамат қилади:

{وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ}

«Биз унга (инсонга) бўйин томиридан ҳам яқинроқдирмиз».

Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» дostonларида таъкидлаганларидек:

Сиз тушуб ул Шохдин беҳад баид,

Ул яқинроқ сизга «мин ҳаблил варид».

Муборак рашҳалар

Ислондаги ҳар хил тариқат асрлар давомида шаклланган бўлиб, баъзи тариқатда таркидунёчилик, кишилардан узоқ яшаш, дунё лаззатини инкор қилиш, узлатни ихтиёр қилиш, чўл-биёбонларда яшаш, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, қаландарликни, амалдорлар амалини ташлаб девоналикни ихтиёр қилиши, уйланмаслик, бировларнинг берган эҳсони билан кун кечирин авло кўрилган. Аммо булардан фарқли равишда тариқати хожагоннинг улуғ шайхларидан Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдулхолик Ғиждувоний, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қаддасаллоҳу сиррахум ўзларининг Хожагон-Нақшбандия тариқатини бошқачарок услубда таъсис этганлар.

Хожа Юсуф Ҳамадоний 1049 йилда Ҳамадонда таваллуд топганлар. Тўлиқ исмлари Абу Яъқуб Юсуф ибн Айюб Ҳамадоний. У киши Хожагон-Нақшбандия тариқатининг асосчиси бўлиб, тасаввуф

таълимотини Ўрта Осиёда ёйилишида алоҳида жонбозлик кўрсатган йирик мутасаввиф, муҳаддис олим ва ориф зот. Абу Исҳоқ Шерозий, Абу Али Формадий, Абдуллоҳ Жувайний, Ҳасан Симноний каби олиму орифлардан таълим олганлар. Дехқончилик ва этикдўзлик билан кун кечирганлар. У зотнинг 4 та шогирдлари қуйидагилар: Хожа Абдуллоҳ Барақий – Хоразмий, Хожа Ҳасан Андақий – Бухорий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний. Хожа Юсуф Ҳамадоний 1141 йилда 92 ёшда вафот этганлар.

Тасаввуф оламининг буюк намояндаси **Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний** 1103 йилда Ғиждувонда маърифатли оилада таваллуд топиб, аввал Ғиждувонда, сўнг Бухорода таълим олганлар. 22 ёшларида Бухорода Хожа Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, у кишидан Хожагон тариқати таълимотини мукаммал эгаллаганлар. Бу тариқатнинг ривожига улкан ҳисса қўшганлар, минглаб шогирд етиштирганлар. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳам руҳий-маънавий устозлари бўлган Хожаи жаҳон унвони билан машҳур бу зоти шариф 1179 йилда Ғиждувонда вафот этганлар.

Нақшбандия тариқатининг асосчиси «Баҳо ул-Ҳақ» (Ҳақ таолонинг нури), «Баҳо уд-дин» (Диннинг нури) каби фахрий унвонлар билан машҳур бухоролик шайх, сўфий **Муҳаммад ибн Муҳаммад Нақшбанд Бухорий** (1318–1389)дирлар. У киши Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа

Абдулхолик Ғиждувоний таълимотларини асос қилиб олиб, «Нақшбандия» тариқатига асос солганлар. Нақш солувчилик хунари билан шуғулланганлари учун у кишига «Нақшбанд» лақаби берилган. Нақшбанд дейилишларига иккинчи сабаб шуки, Ҳазрат Баҳоуддин муборак қўллари билан

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ «Лаа илаҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур

расулуллоҳ» калимасини матога зар (тилло) ип билан тикиб, уни қиблага осиб қўйганлар ва унга қараб зикр қилганлар. Шунда ундан илоҳий нур таралиб, қалбларига нақшдай ўрнашиб қолган. Шу сабабдан «Нақш банд бар дил банд» – Аллоҳ номини дилингда нақш қил, – дейилади Нақшбандия таълимотида.

Улар Қуръони карим, Ҳадиси шариф, пайғамбар алайҳиссалом ва саҳобаи киромларнинг суннатларига доимо амал қилиб, уни тирилтириш («ихё ус-сунна»)ни асосий мақсад қилиб олганлар. Имом Аъзам мазҳаблари, Абу Мансур Мотуридий ақидалари, Имом Бухорий ва улуғ муҳаддислар ривоят қилган мўътабар китобларга таяниб, ўз таълимотларини яратганлар.

Аллоҳ зикрини баланд овоз билан (жаҳрий зикр) айтиш олдинги тариқатларда машҳур ва маъруф эди. Нақшбандия тариқатида зикр биров эшита оладиган даражада баланд овоз билан айтилмайди. Чунки Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қиладики:

{ادْعُوا رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً}

«Раббингизга зорланиб ва хуфёна (овозсиз) дуо қилингиз!» (Аъроф сураси, 55-оят.)

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

«خَيْرُ الذِّكْرِ الْخَفِيِّ، وَخَيْرُ الرِّزْقِ مَا يَكْفِي» (رواه ابن حبان)

Яна Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

«Зикрнинг яхшиси махфий бўлганидир. Ризқнинг яхшиси кифоя қилганидир».

Шунинг учун хафий зикр (қалбдан яширин айтиш) риёсиз. Қалб доимо Аллоҳнинг зикри билан банд бўлиши бу ояти карима ва ҳадисларга амал қилишнинг асосий мақсадларидандир. Шу сабабдан Нақшбандияда 11 муборак рашҳа (инсонлар ҳаёт тарзини белгилаб берувчи муборак илоҳий ҳикматлар)га амал қилиш тариқатнинг моҳиятини ташкил қилади. Бундан ташқари, Нақшбандия тариқати қуйидаги 4 асосга қурилган:

1. Шариат билан зоҳирни поклаш;
2. Тариқат билан ботинни поклаш;
3. Маърифат билан Аллоҳга яқин бўлиш;
4. Ҳақиқат билан Аллоҳга эришиш.

Ҳар бир рашҳа замирида оят ва ҳадислар мавжуд бўлиб, ушбу рашҳалар шуларга асослангандир.

Улар қуйидагилар:

1. «**Ҳуш дар дам**» **هوش در دم** (Ақл қалбда, нафасда) – «хуш» – ақл, «дам» эса нафас. Нафаснинг асли – қалб.

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

العقلُ في القلبِ «Ақл қалбадир». (Адабул муфрад китобида келтирилган).

Ичимиздан чиққан ҳар бир нафас ғафлат билан эмас, балки ҳушёрлик билан ва ҳузур бахш этиб чиқсин. Яъни нафас чиққанидан то киргунига қадар Аллоҳ ёди билан бўлсин.

Аллоҳ таоло айтади:

{وَهُوَ مَعَكُمْ أَيْنَ مَا كُنْتُمْ}

«Сизлар қаерда бўлсангизлар, у сизлар билан биргадир». (Ҳадид сураси, 4–оят.)

Демак, кимки Аллоҳни ёдидан чиқармаса, яъни ҳар дам хушёр бўлса, Аллоҳ у билан бирга бўлади.

«Ҳуш дар дам» рашҳасини Алишер Навоий қуйидагича тараннум қилганлар:

Дамингдин йироқ тутмагил ҳушни,

Ки юзланмагай ҳар дам офат санга.

2. «Назар дар қадам» نظر در قدم (Назар қадамда) – Бундан мақсад أَنْ

لَا يَمْشِي فِي مَعْصِيَةِ اللَّهِ Аллоҳга гуноҳкор бўлишга ундай- диган йўлга қадам босмаслик, ундан юрмаслик, ўйлаб қадам ташлаш. Аллоҳ таоло айтади:

{أَفَمَنْ يَمْشِي مُكِبًّا عَلَىٰ وَجْهِهِ أَهْدَىٰ أَمَّنْ يَمْشِي سَوِيًّا عَلَىٰ صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ}

«Ахир юз тубан (ерга қараб) юрадиган кимса Ҳақ йўлни топувчироқми ёки тик ҳолда тўғри йўлда юрадиган кишими!?» (Мулк сураси, 22-оят.)

Бошқа бир ояти каримада айтилади:

{وَلَا تَمْشِ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا}

«Ва ерда керилиб юрмагин». (Исро сураси, 37-оят.);

Ҳар қадамда Аллоҳни эсдан чиқармасдан қилган ишлари учун ҳисобот бериш.

Назарни қадамдин йироқ солмагил,

Бу йўл замин гар бўлса рағбат санго.

(Алишер Навоий.)

3. «Сафар дар Ватан» سفر در وطن (Сафар Ватанда) – солиқнинг

башарий сифатлардан малакий сифатларга, ёмон сифатлар (кибр, ҳасад,

ужб, риё, бахиллик)дан яхши сифатлар (мухаббат, ихлос, тўғри сўзлик эътиқод)га сафар қилиши, кўчиши;

Ўз Ватанида туриб, фикран дунё кезиш.

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

«كُنْ فِي الدُّنْيَا كَأَنَّكَ غَرِيبٌ أَوْ عَابِرُ سَبِيلٍ» (رواه البخاري)

«Дунёда гўёки ғариб ёки мусофир–йўловчидай бўлгин».

Алишер Навоий айтадилар:

Ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл,

Сафардин агар бўлса меҳнат санга.

Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл,

Тила хилвату анжуман ичра бўл.

4. «Хилват дар анжуман» خلوت در انجمن (Халқ ичида юриб, ёлғиз

бўлиш) الظاهر للخلق والباطن للحق яъни ташқи томондан халқ билан ва ички томондан Ҳақ билан бўлиш;

Ўзи халқ ичида бўлса ҳам, хилватда ўтиргандек фикру зикри Аллоҳ билан бўлиши;

Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло айтади :

وَإِنْ ذَكَرْتَنِي فِي مَلَأَ ذِكْرَتُهُ فِي مَلَأَ خَيْرٍ مِنْهُمْ (رواه ابن ماجه)

«Агар халқ ичида бўла тўриб Мени зикр қилса, Мен уни улардан ҳам яхшироқ кишилар орасида зикр қиламан»;

Халқ билан аралашиб, суҳбатда бўлиб, уларнинг дардларига шерик бўлиш, Аллоҳ таоло розилиги йўлида халққа хизмат қилиш. Нақшбандия тариқатида хилватга кўп тарғиб қилинмайди.

Алишер Навоий таъкидлаганларидек:

Десанг хилватим анжуман бўлмасун,

Керак анжуман ичра хилват санга.

Ушбу тўрт рашҳага Хожа Юсуф Ҳамадоний асос солганлар.

Бу тўрт иш билан рубъи маскун аро,

Чолинмоқ не тонг кўси давлат санга.

(Алишер Навоий.)

5. «Ёд кард» **ياد كرد** (Эсга олиш) – қалб–дилни бир лаҳза бўлса ҳам Аллоҳ зикридан ғафлатда қолдирмай, Аллоҳдан огоҳ бўлиб, уни зикр қилиш, яъни «Даст ба кору дил ба Ёр»;

Аллоҳ таоло айтади:

{وَاذْكُرْ رَبَّكَ إِذَا نَسِيتَ}

«Унутган вақтингизда (ёдингизга келиши билан) Раббингизни зикр қилинг». (Каҳф сураси, 24-оят.);

Тил билан зикр қилишдан дил билан зикр қилишга ўтиш.

Нақшбандияда бу зикрнинг усули қуйидагича: Киши ўзини ҳузур ичра шайхининг кўнгли рўпарасида тасаввур қилиб, кўзи ва оғзини ёпади, тилини танглайига ёпиштириб, тишларини бир-бирига жипслаб, тавозе билан қалбан калимаи тавҳидни зикр қилади.

6. «Боз гашт» **باز كشت** (қайтиш) – Аллоҳга қайтажагимизни эслаш, дилида яна Аллоҳга қайтиш, зикр қилувчи (зокир) тили ёки дили билан **لاَ إِلَهَ إِلَّا اللهُ** Лаа илаҳа иллаллоҳ – «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ»ни айтганда, бунинг орқасидан **إِلهِي أَنْتَ مَقْصُودِي وَرِضَاكَ مَطْلُوبِي** «Илоҳий, анта мақсудий ва ризока матлубий» (Илоҳи, мақсадим Сенсан ва талабим ризолигингдир)ни айтиш. Чунки, «боз гашт» калимаси яхши ёки ёмон фикрларни инсон хотирасидан кетказиб, зикрни холис қилади;

Ўлимни эслаш (робитаи мавтия), Аллоҳга қайтишни эслаш.

Оятда айтилади:

{إِنَّا لِلّٰهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ}

«Албатта, биз Аллоҳнинг мулкимиз ва албатта, биз Унинг сари қайтувчилармиз». (Бақара сураси, 156-оят.)

Бошқа бир оятда:

{كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ ثُمَّ إِلَيْنَا تُرْجَعُونَ}

«Ҳар бир жон ўлим (аччиғи)ни тотувчидир! Сўнгра Бизга қайтарилурсизлар!» (Анкабут сураси, 57-оят.)

7. «Нигоҳдошт» نگاه داشت (Сақлаш) – қалбдаги фикр ва хотираларни муроқабба қилиш; солиқ ҳеч бўлмаганда бир-икки соат ёки ундан кўпроқ вақт хотирасини, хаёлни, бошқа нарсаларга юбормаслик, зикр пайтида хотирни паришон қилмаслик ва бошқани ёдга келтирмаслик, Аллоҳнинг зикридан чалғитувчи нарсаларга хотирни юбормаслик.

Аллоҳ таоло айтади:

{رَجَالٌ لَا تُلْهِهِمْ تِجَارَةٌ وَلَا بَيْعٌ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَإِقَامِ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ}

«Кишилар борки, уларни на тижорат ва на савдо (ишлари) Аллоҳнинг зикридан, намозни мукамал адо этишдан ва закот беришдан чалғита олмас». (Нур сураси, 37-оят.)

8. «Ёд дошт» یاد داشت (Зикр этиш) – Ҳар лаҳза Ҳақ таолодан хабардор бўлиш; доимий равишда Аллоҳни ёдда тутиш. Аллоҳ таоло айтади:

{فَاذْكُرُونِي أَذْكُرْكُمْ وَاشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونِ}

«Бас, Мени ёд этингиз, Мен ҳам сизларни ёд этурман». (Бақара сураси, 152-оят.)

Яна бир ояти каримада айтилади:

{وَاذْكُرْ رَبَّكَ فِي نَفْسِكَ تَضَرُّعًا وَخِيفَةً وَدُونَ الْجَهْرِ مِنَ الْقَوْلِ بِالْغُدُوِّ وَالْآصَالِ}

«Раббингизни ичингизда тазарру ва кўрқинч билан ҳамда гапирганда овозни кўтармасдан эртаю кеч зикр (ёд) этинг». (Аъроф сураси, 205-оят.)

Дилни ғафлатдан сақлаш.

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

لِكُلِّ شَيْءٍ صِقَالَةٌ، وَصِقَالَةُ الْقُلُوبِ ذِكْرُ اللَّهِ (رواه البيهقي)

«Ҳар бир нарсанинг сайқал берувчиси бўлади. Қалбга сайқал берувчи – Аллоҳнинг зикри».

Бу тўрт рашҳага Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний асос солганлар.

9. «Вуқуфи замоний» وقوف زماني (Замон вуқуфи) – Вақтни ғанимат билиб, вақтдан унумли фойдаланиш, вақтнинг қанчаси савоб ишлар билан ва қанчаси гуноҳ ишлар билан ўтганини билиш, ундан огоҳ бўлиш. Агар банданинг вақти огоҳлик билан, Аллоҳнинг зикри билан ўтган бўлса, унда Аллоҳга шукроналар қилиш, аксинча, агар вақт ғафлат билан ўтган бўлса, тавба, истиғфор ва пушаймонлик қилиш.

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

اغْتَنِمْ خَمْسًا قَبْلَ خَمْسٍ: شَبَابَكَ قَبْلَ هَرَمِكَ، وَصِحَّتَكَ قَبْلَ سَقَمِكَ، وَغِنَاكَ قَبْلَ فَقْرِكَ،
وَفَرَاغَكَ قَبْلَ شُغْلِكَ، وَحَيَاتِكَ قَبْلَ مَوْتِكَ. (رواه النسائي)

«Беш нарсадан олдин беш нарсани ғанимат билгин:
кексалигингдан олдин ёшлигингни, бетоблигингдан олдин
саломатлигингни, фақирлигингдан олдин бойлигингни,
бандлигингдан олдин бўш вақтингни, ўлимингдан олдин
тириклигингни».

10. «Вукуфи ададий» وقوف عددي (Адад вукуфи) – ададга, санокқа,
тартибга риоя қилиш. Зикр қилувчи (зокир) لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ (Лаа илаҳа иллалоҳ
– Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) калимасини бир нафасда 3 марта ёки 7
марта ёинки 9 марта ёхуд 21 марта айтиши. Мабодо бир нафасда бу
ададдан кўпроқ зикр айта олса, ўшани тоқ қилиб тугатиши. Зикр
айтишда тоқликка амал қилиш лозим.

Аллоҳ таоло айтади:

{ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اذْكُرُوا اللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا }

«Эй, мўъминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар». (Аҳзоб сураси, 41-
оят.)

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

«إِنَّ اللَّهَ وَتَرَّ يُحِبُّ الْوَتَرَ» (رواه مسلم والدارمي)

«Аллоҳ тоқдир. Тоқликни севади».

11. «Вуқуфи қалбий» وقوف قلبي (Қалб вуқуфи) – Бунинг икки маъноси бор. Биринчиси – зикр қилувчи (зокир)нинг қалби Ҳақ таолодан огоҳ ва воқиф бўлиши. Иккинчиси – зокир ўз қалбидан воқиф бўлиши, қалбни зикр билан машғул қилиш.

Аллоҳ таоло «Анфол» сурасининг 24-оятида:

{وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ الْمَرْءِ وَقَلْبِهِ}

«Билиб қўйингизки, Аллоҳ инсон билан унинг дили (ўртаси)да «парда» бўлиб туради», яъни Аллоҳ шу қадар инсонга яқиндир.

Яна бир ояти каримада:

{إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ}

«Мўъминлар – Аллоҳ (номи) зикр этилганда – диллари қўрқувда бўладиган (киши)лардир». (Анфол сураси, 2-оят.)

Қалб Аллоҳнинг зикри билан таскин топиши тўғрисида Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

أَلَا بِذِكْرِ اللَّهِ تَطْمَئِنُّ الْقُلُوبُ

«Огоҳ бўлингизки, Аллоҳни зикр этиш билан қалблар ором олура». (Раъд сураси, 28-оят.)

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

أَلَا وَإِنَّ فِي الْجَسَدِ مُضَغَةً، إِذَا صَلَحَتْ صَلَحَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، وَإِذَا فَسَدَتْ فَسَدَ الْجَسَدُ كُلُّهُ،

أَلَا وَهِيَ الْقَلْبُ» (رواه الدارمي)

«Билингки, (инсон) жасадида бир гўшт парчаси бор, агар у яхши бўлса, бутун жасад яхши бўлади, агар у бузилган бўлса, бутун жасад бузилади. Бу гўшт парчаси – қалб».

Ушбу уч рашҳани Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қаддасаллоҳу сирраҳу қўшганлар.

Алишер Навоий айтадилар:

Бу оҳанг ила бўлғасен Нақшбанд,

Навоий агар етса навбат санга.

Алишер Навоий Нақшбандийлик асосларини «қаноат тариқи» деб атаганлар.

Хожа Али Рометаний «Рисолаи ҳазрати Азизон» китобларида солиқ (тариқатга кирувчи) учун 10 та шарт борлигини таъкидлаганлар. Улар қуйидагилар:

1. Таҳорат.

Таҳорат 4 хил бўлади: а) зоҳирий таҳорат; б) ботиний таҳорат; в) қалб таҳорати; г) сир таҳорати.

Зоҳирий таҳорат – бу сув билан қилинадиган таҳорат.

Ботиний таҳорат – бу ҳалол луқма ейиш, ҳалол ичимликлар ичиш, пок эътиқод.

Қалб таҳорати – қалбни гина, ҳасад, адоват, хиёнат, макр, дунё муҳаббатидан поклаш.

Сир таҳорати – фақат Аллоҳгагина таважжуҳ қилиш.

2. Тилни тийиш. Тилни Қуръон тиловати, амри маъруф, наҳйи мункар, зикр кабилар билан машғул қилиш.

Чунки пайғамбар алайҳиссалом айтадиларки:

وَهَلْ يُكِبُّ النَّاسَ عَلَىٰ وُجُوهِهِمْ فِي النَّارِ، إِلَّا حَصَائِدُ أَلْسِنَتِهِمْ؟» (رواه ابن ماجه)

«Инсонлар тилларининг ёмонлиги туфайли дўзахга юзтубан ташадилар».

3. Нопок нарсаларга қарамаслик.

4. Рўза тутиш.

5. Зикр қилиш. «Лаа илаҳа иллаллоҳ» калимасини дилдан айтиш.

6. Хотирани сақлаш.

Хотира тўрт хил бўлади: а) раҳмоний хотира; б) малаконий хотира; в) шайтоний хотира; г) нафсоний хотира.

Раҳмоний хотира – ғафлатдан огоҳ бўлиш.

Малаконий хотира – тоатда бардавом бўлиш.

Шайтоний хотира – гуноҳ ишларга рағбат қосил қилиш.

Нафсоний хотира – шаҳватга берилиш.

Солик зикр пайтида чалғитувчи хотиралардан холи бўлиши керак.

7. Аллоҳ таолонинг ҳукмига рози бўлиш; унга тафвиз (Аллоҳга ҳамма ишларини топшириш) ва таваккал қилиш.

8. Уламои солиҳларнинг суҳбатини ихтиёр қилиш.

9. Бедорлик. Таҳажжуд намозини ўқиш.

10. Луқмаи ҳалол ейиш.

Рух – илоҳий сир

Рух илоҳий қудратнинг жилоси бўлиб, Аллоҳ неъматларидан ҳисобланади. Жамики мавжудот руҳ билан тирик; руҳ йўқ экан, тириклик хотима билан тугайди. Абу Али ибн Сино айтадилар: «Улуғ Тангри юракнинг икки бўшлиғидан чап бўшлиғини руҳга ўрин ва унинг

вужудга келиш жойи қилиб яратди, руҳни нафсоний қувватлар учун улов қилиб яратдиким, у (қувватлар) руҳ воситасида гавданинг турли аъзоларига тарқалади. Нафсоний қувватлар, биринчидан, руҳга тааллуқли бўлиб, иккинчидан, (руҳ) воситаси билан бадан аъзоларига ёйилади.

(Тангри) руҳни хилт(модда)ларнинг латиф ва буғ қисмидан яратди. У файзи илоҳий билан вужудга келур». (Абу Али ибн Сино, Юрак дорилари. Т., “Фан”, 1966. 71-бет.)

Демак, руҳ буғсимон, газсимон бир модда бўлиб, инсон юрагида ўрнашган ва у қонга қўшилиб барча баданга тарқалади. Руҳ покиза бўлса, бутун жасад покиза ва сайқал топган бўлади. Агар у пок бўлмаса, ҳою ҳавасга берилган бўлса, у руҳул-хабис (ёмон руҳ) деб айтилади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

{وَنَفَخْتُ مِنْ رُوحِي}

«Унинг ичига ўз (даргоҳимдаги) руҳимдан киритдим». (Ҳижр сураси, 29-оят).

Шундай қилиб, руҳ илоҳий бўлиб, у бу дунёга имтиҳон ва покланиш учун юборилган. Руҳ Аллоҳни қалбан зикр қилиш орқали покланади. Руҳ ўзининг илоҳий маконига қайтиши учун покланиши зарур.

Рух – Раббоний иш. Ҳақ таоло марҳамат қилади:

{وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الرُّوحِ قُلِ الرُّوحُ مِنْ أَمْرِ رَبِّي وَمَا أُوتِيتُمْ مِنَ الْعِلْمِ إِلَّا قَلِيلًا}

«(Эй, Муҳаммад) Сиздан рух ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Рух фақат Раббимнинг ишидандир. Сизларга эса оз илм берилгандир».

(Исро сураси, 85-оят.)

Ҳам руҳан, ҳам жисмонан покланган, қалбини поклаган инсон гўзал ахлоқ, юксак одоб соҳибига айланиб, комил инсон даражасига етади.

Аслида тасаввуфнинг мақсади ҳам шу – инсон камолоти, кишини руҳий ва маънавий жиҳатдан поклаш ва комил инсонни тарбиялаш. Жумхури уламоларнинг иттифоқига кўра, комил инсоннинг ер юзида ягона тимсоли Муҳаммад алайҳиссаломдирлар. Комил инсон тушунчаси бошқаларга нисбатан нисбийдир.

Кимни комил инсон дейиш мумкин?

Юксак онгли ва маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, жисмонан ва руҳан покланган инсонни комил инсон дейиш мумкин.

Нафс тарбияси

Нафс – бу инсоннинг ўзлиги, «менинг ўзим» дегани. Нафс – рух қолипи. Нафс бу фақатгина еб-ичиш, кийиш эмас, балки у жоҳиллик,

илмсизлик, манманлик, дунёпарастлик, ўғрилик, тамагирлик, порахўрлик, ҳасад, бахиллик, мансабпарастлик, шахват, ғазаб, хасислик, риёкорлик, золимлик, раҳмсизликдир.

Аҳмад Яссавий уқтирганларидек:

Нафс йўлиға кирган киши расво бўлур,

Йўлдин озиб, тойиб, тўзиб, гумроҳ бўлур,

Ётса, турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур,

Нафсни тепғил, нафсни тепғил, эй бадкирдор.

Нафс – ўсувчан, хоҳловчи, дунё лаззатларига берилувчи. У инсонни ёмонликка, гуноҳ иш қилишга ундайди. Нафс қанчалик қондирилса, у шунчалик кучаяверади.

Агар инсон ҳалол нарсалардан истеъмол қилса, унинг бадани покиза, чиройли, лаёқатли, яхшиликка интилувчи, хайрли ишларга саъй-кўшиш қилувчи бўлади. Ва, аксинча, инсон ҳаром нарсалардан истеъмол қилса, у инсонни жирканч, дағал, бераҳм, бешафқат, шахватга берилувчи, ғаддор ва золим қилиб кўяди. Нафснинг истаги – шахват.

Нафсни ўлдириб бўлмайди. Уни ўлдирса, инсоннинг ўзи ҳам ўлади. Чунки нафс, нафас – ўзаги бир. Аммо нафсни тарбиялаб бўлади, уни жиловлаб, бошқариб бўлади, уни занжирбанд қилиб бўлади.

Аҳмад Яссавий: «Нафсни тепғил, нафсни тепғил, эй бадкирдор», – деган бўлсалар, Алишер Навоий «нафс итини забун қилиш»га бежиз даъват этмаганлар–да!

Нафс – инсоннинг ашаддий душмани. Буни Алишер Навоий шоирона шундай ифодалядилар:

«Бўлуб нафсингга тобе, банд этарсан тушса душманни,

Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд».

Нафсни енгишнинг чораси бор. Уни намоз ўқиш, рўза тутиш ва илоҳий ишқ орқали янчиш мумкин. Чунки Аллоҳ таоло айтади:

{إِنَّ الصَّلَاةَ تَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ}

«Албатта, намоз фаҳш ва ёмонликдан қайтарур!» (Анкабут сураси, 45–оят.)

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

الصَّوْمُ تَكْسِيرُ الشَّهْوَةِ «Рўза шахватни синдиради»...

الصَّوْمُ نِصْفُ الصَّبْرِ «Рўза – сабрнинг ярми».

Ишқ деганда кишилар кўпинча икки жинс ўртасидаги майл, одамлар орасидаги муҳаббат деб тушунадилар. Албатта, бу маълум даражада тўғри. Аммо тасаввуфда ишқ деганда инсон қалбини поклашга хизмат қиладиган, уни Аллоҳга яқинлаштирадиган барча эзгуликлар йиғиндиси тушунилади. Демак, ишқ – покланиш воситаси!

Нафсининг турлари

1. **Нафси аммора** – ёмонликка буюрувчи нафс.

{ إِنَّ النَّفْسَ لَأَمَّارَةٌ بِالسُّوءِ }

«Зеро, нафс – фақат ёмонликка қистовчидир». (Юсуф сураси, 53-оят.)

2. **Нафси лаввома** – хатою–камчиликларини англай бошлаб, ўзини танқид қилувчи нафс.

{ وَلَا أُقْسِمُ بِالنَّفْسِ اللَّوَّامَةِ }

«Шунингдек, маломатчи нафсга қасамёд этурманки, (қайта тирилиб, ҳисоб–китоб қилинурсизлар)!» (Қиёмат сураси, 2-оят.)

3. **Нафси мулҳама** – маънавий ҳаётнинг баъзи гўзалликларини сезиб, Аллоҳдан баъзи илҳомлар олиб туради.

4. **Нафси мутмаинна** – таскин топган нафс.

{ يَا أَيَّتُهَا النَّفْسُ الْمُطْمَئِنَّةُ، ارْجِعِي إِلَىٰ رَبِّكِ رَاضِيَةً مَّرْضِيَّةً، فَادْخُلِي فِي عِبَادِي، وَادْخُلِي

جَنَّتِي. }

«Эй, хотиржам (сокин) жон! (Ато этилган неъматлардан) рози бўлган (ва Аллоҳ таоло томонидан) ҳам рози бўлинган ҳолингда,

Раббинг (хузури)га қайт! Бас, (солих) бандаларим (сафи)га қўшилгин ва жаннатимга киргин!» (Фажр сураси, 28-, 29-оятлар.)

5. **Нафси розия** – Парвардигорнинг берган неъматларига рози.

6. **Нафси марзия** – Аллоҳ таоло томонидан севилган бандага айланади.

7. **Нафси софия** – Бу пайғамбарларга хос бўлган нафс.

Зикр ва унинг одоби

Зикр сўзининг луғавий маъноси – эсга олиш, эсда тутиш. Зикр тўғрисида кўпгина оят ва ҳадис мавжуд.

Аллоҳ таоло айтади:

{فَاسْأَلُوا أَهْلَ الذِّكْرِ إِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ}

«Агар (бу ҳақда) билмайдиган бўлсангизлар аҳли зикрлардан сўрангизлар». (Наҳл сураси, 43-оят.)

{وَلَذِكْرِ اللَّهِ أَكْبَرُ}

«Албатта, Аллоҳнинг зикри (барча нарсдан) улуғдир!» (Анкабут сураси, 45-оят.)

Яна бир оятда:

{يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اذْكُرُوا اللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا، وَسَبِّحُوهُ بُكْرَةً وَأَصِيلًا}

«Эй, иймон келтирганлар, Аллоҳни кўп зикр қилингиз ва эртаю кеч унга тасбеҳ айтингиз!» дейилади. (Ахзоб сураси, 41–, 42–оятлар.)

Яна бир ояти каримада шундай уқтирилади:

{الَّذِينَ يَذْكُرُونَ اللَّهَ قِيَامًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِهِمْ وَيَتَفَكَّرُونَ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ}

«Улар туриб ҳам ўтириб ҳам, ётиб ҳам, Аллоҳни зикр этадилар ва осмонлару Ернинг яратилиши ҳақида фикр юритадилар». (Оли Имрон сураси, 191–оят.)

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

أَفْضَلُ الذِّكْرِ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ (رواه ابن ماجه والترمذي)

«Зикрнинг афзали – Лаа илаҳа иллаллоҳ».

Нақшбандия тариқатига кўра инсон жасади (танаси)нинг бешта жойида хуфёна тарзда зикр яъни لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ «Лаа илаҳа иллаллоҳ» калимаси айтилади. Бу «**Латоифи хамса**» (Беш латифа) дейилади. Латифа – Аллоҳнинг илоҳий лутфи.

Латифаи аввал – бу **قلب қалб**. Унинг мақоми чап сийна ости.

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

«إِنَّ قُلُوبَ بَنِي آدَمَ كُلَّهَا بَيْنَ إِصْبَعَيْنِ مِنْ أَصَابِعِ الرَّحْمَنِ، كَقَلْبٍ وَاحِدٍ، يُصَرِّفُهُ حَيْثُ

يَشَاءُ» (رواه مسلم)

«Одамларнинг қалблари худди бир қалб каби Аллоҳ таолонинг икки қудрат бармоғи орасида. Уни қандай хоҳласа, шундай айлантиради».

Иккинчи латифа – **روح рух**. Унинг мақоми – ўнг сийна ости. Аллоҳ таоло айтади:

{وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الرُّوحِ قُلِ الرُّوحُ مِنْ أَمْرِ رَبِّي}

«(Эй, Муҳаммад,) Сиздан рух ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Рух фақат Раббимнинг ишидандир». (Исро сураси, 85-оят.)

Учинчи латифа – **سر сир**. Унинг мақоми – чап сийна усти.

Аллоҳ таоло айтади:

{يَعْلَمُ سِرُّكُمْ وَجَهْرُكُمْ}

«У (Аллоҳ) сир тутгану ошкор қилган нарсаларингизни билур». (Анъом сураси, 3-оят.)

Тўртинчи латифа – **خفي хафий**. Унинг мақоми – ўнг сийна усти.

Аллоҳ таоло:

{ادْعُوا رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً}

«Раббиларингизга хуфёна зикр қилинглар» (Аъроф сураси, 55-оят), – дейилгани учун бу «Латифаи хафий» деб айтилади.

Манбаларда қайд қилинишича, зикри хафийни Ҳазрат Хизр алайҳиссалом Хожа Абдулхолик Ғиждувонийга таълим берганлар.

Бешинчи латифа – **أَخْفَى** **ахфо**. Унинг мақоми нафас йўли бўлиб, ўнг ва чап сийна усти ўртасидадир.

Аллоҳ таоло айтади:

{وَأِنْ تَجْهَرُ بِالْقَوْلِ فَإِنَّهُ يَعْلَمُ السِّرَّ وَأَخْفَى}

«Агар (Сиз) ошқора гапирсангиз ҳам (ёки хуфёна гапирсангиз ҳам), албатта, у сирни ҳам, энг махфий нарсаларни ҳам билур». (Тоҳо сураси, 7-оят.)

Мазкур беш жой инсоннинг кўкрак қафасида жойлашган ва уни ҳаётий эҳтиёжларнинг асосийси билан таъминлайдиган аъзолардир.

Нақшбандия тариқатининг улуғ машойихлари «Латифаи қалб»да хафий зикр айтиш тартибини қуйидагича изоҳлаганлар: «Тил танглай- га ёпиштирилиб, нафас киндикнинг тагидан ичга тортилади.

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ «Лаа илаҳа» айтилганда киндикдан пешонага қадар кўтарилиб, **إِلَّا اللَّهُ** «иллаллоҳ» айтилганда қалбга зарб билан урилади.

مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ «Муҳаммадур расулуллоҳ» эса хаёлга келтирилади.

Зикр айтишда тоқликка риоя қилиниши шарт. Бир нафасда ушбу калима 3 марта ёки 5 марта ёхуд 7 марта ёинки 9 марта, шунингдек 21 мартагача айтилади. Кимки бир нафасда бу ададдан кўпроқ айтиб билса, охирини

тоқ қилиб тугатиб бошқа нафас олади ва янги нафас олганда яна шу ҳол такрорланади. Зикр 1001 марта айтилади».

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

العقلُ في القلبِ «Ақл қалбда бўлади». Яъни қалб бутун аъзони бошқаради, ҳукм беради. Миядаги ақл эса, унинг ҳукмини ижро этади. Ибн Синодек зот ақлдан озганларни адвияи қалбия, яъни қалб дорилари билан даволаганлар.

Илоҳий лутф банданинг қалбида жо бўлгандан кейин кўнгил «Латифаи рух»га зикр айтишга мойил бўлади. Шундан сўнг аввал «Латифаи қалб»га 1001 марта, ундан кейин «Латифаи рух»га 1001 марта لا إِلَهَ إِلَّا اللهُ «Лаа илаҳа иллаллоҳ» калимаси айтилади.

Қалб зикр шарофатидан покиза бўлиб, рух Раббоний фазлу марҳаматдан баҳраманд бўлгач, кўнгил «Латифаи сир»га зикр айтишга мойил бўлади. «Латифаи сир»га зикр айтишдан олдин яна аввалгидай 1001 мартадан қалб ва руҳга зикр айтилиб, кейин унга зикр айтилади.

«Латифаи сир»нинг файзу футухидан баҳраманд бўлгач, кўнгил илоҳий баракотдан баҳраманд бўлиш учун «Латифаи хафий»га зикр айтишга мойил бўлади. Шундан кейин яна қалб, рух, сирга 1001 мартадан зикр айтгач, «Латифаи хафий»га 1001 марта зикр айтилади.

Қалб, рух, сир ва хафийда файзи Раҳмоний, футуҳи Субҳоний пайдо бўлгач, кўнгил «Латифаи ахфо»га зикр айтмоққа мойил бўлади ва яна қалб, рух, сир ва хафий латифаларига 1001 мартадан зикр айтилиб, сўнг «Латифаи ахфо»га 1001 марта зикр айтилади.

«Латоифи хамса»да зикри хафийнинг 5 босқичини ўтаб бўлгач,

إِلَّا اللَّهُ «Лаа илаҳа» калимаси 5 латифага баравар айтилиб, «иллаллоҳ» деганда инсоннинг кўкрак қафасида жойлашган 5 аъзо зикр зарбининг таъсиридан қимирлаши лозим. Шундан кейин инсон илоҳий сир-асрордан воқиф бўла бошлайди ва у ҳаётга қалб кўзи билан қараб, теран мушоҳада қила бошлайди, Аллоҳнинг яратган ҳар бир нарсасида ҳикмат борлигини англай бошлайди. Натижада Ҳақ таолога яқин банд бўлиб, Унинг маҳбубига айланади.

Аллоҳ таоло қалбни яратиб, унга ўз даргоҳидан бўлмиш руҳни киритди. қалбни эса руҳ учун макон қилиб қўйди. Демакки, руҳ илоҳий экан унда илоҳий сир-асрор мавжуд ва у покланиши лозим. Илоҳий сирлар эса 3 хил бўлади: сир, хафий (яширин) ва ахфо (яширинроқ). Нужабою нуқаболар сирларни, абдолу автодлар хафий сирларни, қутбу ғавслар эса ахфо сирларини биладилар.

Тариқатга кирувчининг вазифалари

Тарикатга кирувчи бир-кеча кундузда:

- 101 марта «Астағфируллоҳа ва атубу илайҳ»;
- 1001 марта «Лаа илаҳа иллаллоҳ» (Ҳар нафас охирида «Муҳаммадур расулуллоҳ»ни қўшиб, «Илоҳий анта мақсудий ва ризока матлубий»ни айтади);
- 100 марта салавот айтади.
- 3 марта Ихлос сураси;
- Бомдод намозидан сўнг, ухламасдан Қуръондан 1 пора (агар ўқишни билса) ва «Ёсин» сурасини тиловат этгач, шундан сўнг зикр қилиб, қуёш киши қомати баробарига кўтарилгач, икки ракаат «Ишроқ» намози ўқилади.
- Соат 9 дан то қиём вақтига қадар 2 ёки 4 ёхуд 8 ракаатгача «Зуҳо» намози;
- Аср намозидан олдин 4 ракаат «Суннати аср» ўқилади.
- Шом намозининг суннатидан кейин 2 ракаат «Аввобин» намози ўқилади. Уни 20 ракаатгача ўқиш мумкин. Шундан сўнг «Воқеа» сураси тиловат қилинади.
- Хуфтон намозидан олдин 2 ракаат «Истихора» намози ўқилади. Диний ва дунёвий ишларда иккиланиб қолганда ҳам дарҳол ушбу намозни ўқиш керак.
- Хуфтон намозидан кейин «Мулк» сураси тиловат қилинади.

- Субҳи содиқдан бир соат олдин 2 ракаат «Таҳажжуд» намози ўқилади. Бу намозни 12 ракаатгача ўқиш мумкин.

- Ҳар сафар таҳорат қилгандан сўнг 2 ракаат «Шукри вузу» (Таҳорат ҳақи) намози ўқилади;

- Масжидга киргач, 2 ракаат «Таҳийёти масжид» намози ўқилади;

Бундан ташқари, ҳар ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари рўза тутилади; шунингдек, ҳар ойнинг “айём ул-бийз” – 13-, 14-, 15- кунлари, яъни ой тўлган кечаларнинг кундуз кунлари рўза тутилади. Буларнинг барчаси пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларидандир.

Айём ул-бийз кунларида ой фазаси катталашиб, унинг таъсирида ҳатто дарё ва денгиз сувлари кўтарилади. Инсон жисмида ҳам шу жараён кечиб, унинг қон босими ошади. Шунинг учун шу кунларда рўза тутиш тавсия қилинади. Чунки рўза инсон жисмига анча енгиллик бағишлайдики, бу илмий жиҳатдан исботланган.

Шунингдек, айём ул-бийзда балоғатга етган кишилар ҳар 6 ойда бир марта ёки йилда бир марта баҳор ёхуд куз фаслида шифокорларнинг маслаҳатига мувофиқ қон олдириши жуда фойдали. Қон олдиришнинг фойдаси тўғрисида анчагина ҳадис ҳам мавжуд. Қон олдириш юрак, асаб, қон томири ва баъзи бир давоси қийин кечадиган касалликларнинг олдини олишда ҳам муҳим бўлиб, бу ҳақда «Саҳиҳ ал-Бухорий»да қуйидаги ҳадис ривоят қилинган:

الشِّفَاءُ فِي الثَّلَاثِ الْقُرْآنُ وَالْعَسَلُ وَالْحِجَامَةُ

«Уч нарасда шифо бордир: Қуръони каримни ўқишликда, асал емоқликда ва қон олдирмоқликда».

Хатми Хожагон тартиби

Нақшбандия тариқати машойихлари душанба пайғамбар алайҳис-салом таваллуд топган, пайғамбарлик ваҳий қилинган ва Қуръони карим нозил бўлган кун бўлгани учун “Хатми Хожагон”ни ўтказиш вақтини ҳар душанба куни шом намозидан кейин деб таъкидлаганлар.

«Хатми Хожагон» тартиби қуйидагича:

Фотиҳа сураси 7 марта ўқилади;

Салавоти шариф 100 марта айтилади;

Иншироҳ сураси 79 марта ўқилади;

Ихлос сураси 1001 марта ўқилади;

Фотиҳа сураси 7 марта ўқилади;

Салавот 100 марта айтилади.

Ундан кейин дуо қилиниб, барча Хожагон–Нақшбанд машойихлари руҳига бағишланади, яхши тилаклар илтижо этилади.

III қисм

Мумтоз асарларда тасаввуф жилоси

Мумтоз адибларнинг асарларида мажозий ибора ва ифодалар, зарбулмасаллар жуда кўп қўлланилган. Зотан, мажоз шоирнинг асл мақсадини ифодаловчи ва ҳақиқат сари элтувчи бир воситадир. Мажозлар Қуръони каримда ҳам анчагина. Масалан: Аллоҳ таоло «Бақара» сурасининг 187-оятда марҳамат қилади:

{ وَكُلُوا وَاشْرَبُوا حَتَّى يَتَبَيَّنَ لَكُمُ الْخَيْطُ الْأَبْيَضُ مِنَ الْخَيْطِ الْأَسْوَدِ مِنَ الْفَجْرِ }

«Шунингдек, тонггача, яъни, оқ ипни қора ипдан ажратса бўладиган вақтгача еб-ичаверинглар». Пайғамбар алайҳиссалом ушбу оятни шарҳлаб айтадиларки:

هِيَ بَيَاضُ النَّهَارِ وَسَوَادُ اللَّيْلِ

«Оқ ип бу – кун, қора ип эса бу – тун». Бундан мақсад эса субҳи содиқ.

Ҳадиси шарифда ҳам мажозлар мавжуд. Шу сабабдан улғу шоирлар Қуръон ва Ҳадисга пайравлик қилиб, ғазаллар, рубоийлар, шеърлар битганлар.

Ҳазрат Алишер Навоий «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да

المجاز قنطرة الحقيقة «Мажоз – ҳақиқатнинг кўприги», – деганларидек, ғазал ва рубоийларда учрайдиган мажозий иборалар (мас.: соқий, май, майхо– на, жом, ёр, пири муғон ва шу кабилар) замирида диний– тасаввуфий маъно ётади. Аслида, соқийдан мурод – Аллоҳ, май – ишқ ва ибодат рамзи, майхона – масжид, жом – юрак, ёр – Ҳақ таоло, пири муғон– Муҳаммад алайҳиссалом.

Ё. Исҳоқов «Навоий поэтикаси» китобида ёзганидек, «Рухан пок, маънавий комил инсон учун мажознинг ўзи айни ҳақиқатдир».

Илгарилари «Ҳофизхонлик» «Низомийхонлик», «Навоийхон– лик», «Фузулийхонлик», «Машрабхонлик» «Бедилхонлик» каби мумтоз

маърифий мажлислар ўтказиб турилган, бундай сўзлар маъно- си
изоҳлаб берилган, иштирокчилар уларнинг маъноларидан таъсирла-
ниб ҳатто йиғлаганлар ҳам.

Шу ўринда марҳум устоз Қори Ғуломқодир (1882–1977) айтиб
берган бир воқеани эслатишни жоиз деб билдик. Домла 17 ёшларида
мактабда ўқувчиларга ирфоний адабиётдан, мумтоз шеъриятдан дарс
берганлар. Шунда баъзи амалдорлар у кишига ҳасад қилиб, Бухоро-
нинг шайх ул-исломи Бақохўжага арз қилганлар. Шайх ул-ислом
илмларини имтиҳон қилиш мақсадида у кишини ҳузурларига чақириб,
Бедилнинг шикаста хатда ёзилган куллиётини қўлларига тутқазганлар.
Қори Ғуломқодир у хатни ҳеч қийналмай шундай мароқ билан ўқиб
берганларки, унинг маъноларидан таъсирланган шайх ул-ислом
Бақохўжанинг кўзларидан ёш шашқатор бўлиб оққан.

Мумтоз адибларнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган айрим
асарларида ҳам тасаввуф жилосини яққол кўриш мумкин.

Ашрақат мин акси шамсил каъси анворул-ҳудо,

Ёр аксин майда кўр деб жомдин чикди садо.

Ғайри нақшидин кўнгил жомида бўлса занги ғам,

Йўқтур, эй, соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.

(Алишер Навоий.)

Мазмуни: Қуёш косаси (қалб)дан ҳидоят нурлари таралиб юракдан: «Аллоҳнинг аксини илоҳий ишқда кўр», – деб садо чиқди. Аллоҳ номи нақшланмаган юрак – бу зангли, ғамли юрак. Агар Ҳақ таолонинг зикри қалбда нақш бўлса, қалб покиза, ғам-ғуссасиз бўлади. Илоҳий ишқ Аллоҳ зикри каби ғам-ғуссаларни кетказувчидир.

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб чун сарвинозим, ўн сакиз ёшиндадур.
Деса бўлғайким яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

(Алишер Навоий.)

Мазмуни: Ўн саккиз минг оламини яратган Аллоҳдир. У – ибтидою интиҳоси йўқ абадий Зот.

Эй хоки сари кўйи ту гаштан ҳаваси мо,
Бар пойи сагат бўса задан мултамаси мо.
Гардам задани моҳ бувад аз меҳри ту чун субҳ,
Сад шомии сияҳ рўз шавад аз нафаси мо.
Дар бодияи шавқи ту чун роҳила бандем,
Зикри малак ояд зи фиғони жараси мо.
Бонешии ғаму жисми заиф оҳ барорем,
Сўят магар ин бод барад хору ҳаси мо.
Бечораги мо ҳаваси чорагарон шуд,

То ту шуди аз лутфу карам чорараси мо.

Ҳар каски афтодаги орад ба касе рӯи,

Мо рӯ ба ки орем, туйи чунки каси мо.

Фоний сифатам руҳ кунад сӯйи ту парвоз,

Эй шакаристони ту қуввати магаси мо. (Фоний.)

Таржимаси:

Йўлингда хок бўлиб ётмоқлик ҳавас бизга,

Итингнинг изларин ўпмоқлик мултамас² бизга.

Сенинг меҳрингни қўмсаб ой айланар то субҳ,

Юз қаро тунни кун айлағай ўт нафас бизга.

Шавқинг саҳросида от сингари бойлоқдамиз,

Малаклар зикри келгай фиғон чексак шу бас бизга.

Чекармиз «оҳ» алам тиғию нотавон жисмдан,

Учирса Сен томон еллар қиёсдир хорухас бизга.

Бизнинг бечоралик чораси борга ҳавас бўлди,

Карам ва лутф ила Сен бўлгач чорарас³ бизга.

Ҳар киме афтодадир кимгадир бургай юзин,

Юз бурайлик кимга биз, йўқ сендан ўзга кас бизга.

Фоний – сифатим, руҳ айлар сен сари парвоз,

Пашшадек кезсак шакаристонинг, шу бас бизга.

² мултамас - илтимос

Мазмуни: Эй, Парвардигоро! Сенинг йўлингда тупроқ каби камтар бўлиш – менинг орзуим. Вафодор бандаларинг оёғини ўпиш – менинг илтимосим. Муҳаббатингни кўмсаб тунлар субҳга айланади. Биздан чиққан илоҳий муҳаббат олови шуъласи эса қора тунни равшан қилади. Сенинг ишқинг саҳросида от каби боғланганмиз, яъни дунёда яшаб турибмиз. Фигонимиздан фаришталар бизни зикр қилади, бизнинг ҳақимизда гапиришади. Сени зикр қилиш шарофати ила бизнинг муҳаббатимиз оҳидан пайдо бўлган шамоллар Сен томон эсади. Сен ҳожатларни раво қилувчи Зотсан. Эй бизнинг ҳидоят қилувчимиз, биз Сенга юзланамиз! Мен фоний сифатман, руҳим Сен томонга парвоз қилади. Эй, Парвардигоро, даргоҳингда биз пашша каби заррамиз, муҳаббатинг шакаристонидан қувват оламиз.

Эй ба гулистон ҳазор наргиси шаҳло,

Дар гули гулзор оразат ба тамошо.

Лолау гул аз тажаллийи ту ба хунй,

Қумрию булбул зи шавқи ту ба алоло.

Дар рухи рўз аз рухи ту бо рукқай меҳр,

Дар дили шаб аз ғами ту мояи савдо.

Ошиқи бедил зи шавқи рўйи ту Мажнун,

Карда баҳона вале муҳаббати Лайло.

Таржимаси:

Эй, гулистон ичра минг наргиси шахло,

Гулзор гулига оразинг бўлди тамошо.

Хуснингни кўриб лолаю гул бағри қондир,

Шавқингни кўриб, кумрию булбул айлади ғавғо.

Куннинг юзида барно юзинг меҳридан ёғду,

Туннинг дилига солди ғаминг қанчалик савдо.

Ошиқи бедил шавқинг аро бўлдию Мажнун,

Лайло ишқини баҳона айлағай аммо.

(Фонийнинг Шайх Саъдий ғазалларига татаббулари.)

Мазмуни: Эй, Парвардигоро, сен дунёдаги барча ошиқни ўзинга шайдо қилгансан. Гулзор, яъни жаннатда жамолингни кўриш учун ошиқларинг томошага боришади. Эй, Парвардигоро, жамолингдан ошиқларингнинг бағри қондир. Сенинг шавқингда ошиқлар булбулу кумри каби сайрашади. Эй, Парвардигоро, қуёш ойдек юзингдан баҳра олади. Сенинг ишқинг ғамида кўнглим қоп-қора тун каби бўлди. Муҳаббатинг туфайли дили пора бўлган ошиғинг шавқинг аро мажнун бўлди. Ва лек Сенга ошиқ бўлиб, Лайлони баҳона қилади. Аслида Лайлодан мақсад – Аллоҳ.

Ба авжи кибриё қаз паҳлуйи ажз аст роҳ онжо,

Сари мўе гар инжо хам шави бишикан кулоҳ онжо.

Адабгоҳи муҳаббат нозу шўҳи бар намедорад,

Чу шабнам сар ба меҳр ашк меболад, нигоҳ онжо.

(Бедил.)

Таржимаси:

Улуғлик кўкида ожиз учун ҳақ йўл бор унда,

Эгилса битта соч унда, кулоҳни айла абгор унда.

Муҳаббатнинг адабгоҳи кўтармас нозу шўхликни,

Нигоҳ, шабнам каби, меҳр ашкин тўкар шашқатор унда.

Мазмуни: Аллоҳ ҳузурида баланд мартабага эришиш ожизлик ва камтарлик йўли биландир. Бу дунёда Аллоҳнинг тоати учун бошинг агар соч толасидек эгилса, охирада юқори мартабага эришасан. Аллоҳнинг муҳаббати нозу шўхликни, дангасаликни, зикр қилмас-ликни, Аллоҳнинг буйруқларини бажармасликни ёқтирмайди. Аллоҳнинг муҳаббати – бамисоли киприкдаги бир томчи сув. Агар нозу шўхлик қилиб, ибодатларни тарк қилсанг, у (томчи) тушиб кетади.

Ҳофиз ба худ напўшид ин хирқай май олуд,

Эй, шайхи покдоман, маъзур дор моро.

(Ҳофиз)

Таржимаси:

Бу хирқаи майолудни ўзича киймагай Ҳофиз,

Эй шайхи покдоман маъзур тут мени.

Мазмуни: Ҳофиз бу ишқ тўнини ўз-ўзидан кийган эмас, балки, у (тўн) Аллоҳга бўлган муҳаббат туфайли берилгандир. Эй, ишқсиз шайх! Сенда Аллоҳга бўлган ишқ йўқ. Агар сенда Аллоҳга муҳаббат бўлганида эди, мен каби ошиқ бўлардинг.

Шудам ошиқ ба уммеди, ки мушкулам осон гардад,

Надонистам, ки рў орад ба ман ҳар лаҳза мушкулҳо.

(Имло Бухорий.)

Таржимаси:

Бўлар деб мушкуллим осон мен ҳам ошиқ бўлгандим,

Вале ҳар лаҳза минг мушкулга дуч келмоқни билмабман.

Мазмуни: Аллоҳга ошиқ бўлсам мушкуллим осон бўлади, деб ўйлардим. Лекин Аллоҳ васлига етишиш учун ҳар лаҳзада қийинчиликларга дуч келмоқдаман, риёзат чекаяпман. Ҳақ таолога бўлган муҳаббат барча муҳаббатлардан юқоридир. Унинг жазабаси соат сайин, кун сайин алангаланаверди.

Ошиқ ҳама сол масту шайдо бодо,

Девонау шўридау расво бодо,
Дар ҳушёри ғуссаи ҳар чиз хўрем,
Чун маст шудем ҳар чи бодо бодо.

(Умар Хайём.)

Таржимаси:

Ошиқ бир умр масту шайдо бўлгай,
Девонаю беҳуду расво бўлгай.
Ҳар ишнинг ғуссасин чекдик ҳушёр пайт,
Мастликда не бўлса, не парво бўлгай.

Мазмуни: Аллоҳга ошиқ бўлган киши ҳамиша Унинг ишқида ёниб, фано филлоҳ бўлиб, масту шайдо, Ҳақ ишқида масту аласт бўлади. Уни зикр қилсак, ғам–ғуссалардан фориғ бўламиз. Ҳушёр бўлган пайтимизда, яъни Ҳақ таолони зикр қилмаган пайтимизда эса яна ўша ғам–ғуссаю, ташвишлар билан бирга бўламиз.

Созандаи кори мурдау зинда туйи,
Дорандаи ин чархи пароканда туйи,
Ман гарчи бадам хочайи ин банда туйи
Касро чи гуноҳ, чу офаринанда туйи.

(Умар Хайём.)

Таржимаси:

Ўлику тирикдан хабардор Ўзингдирсан,

Соҳиби бу чархи кажрафтор Ўзингдирсан.

Мен гарчи ёмонман, хожасан бу бандага,

Кишида не гуноҳ, бунёдкор Ўзингдирсан.

Мазмуни: Сен шундай улуғ зотсанки, Қуръоний ибора билан айтганда, **وَتُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَتُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ** «Ўликдан тирикни чиқарурсан ва тирикдан ўликни чиқарурсан», яъни сен барча махлуқларнинг Холиқи, буюк қудрат соҳиби, еру осмон, дунёю охиратнинг Хожаси, бизнинг Эгамиз, гуноҳларимизни кечирувчи Зотсан. Гуноҳларимиз Сенинг наздингда бамисоли зарра. Сен бундай гуноҳларга парво қилмайсан. Чунки бизни яратган Ўзингсан. Холиқ ўзи яратган бандаларга ҳеч вақт ёмонликни, зулмни раво кўрмайди.

Бухоро хаттотлик санъатида тариқат талқини

Бухорои шариф қадим-қадимдан моҳир зарринқалам хаттотлари билан машҳурдир. Тарих саҳифаларида Шох Ҳусайн ибн Исомуддин Бухорий, Қулмуҳаммад Бухорий, Муҳаммад Шариф Мунший Бухорий, Мирзо Содик Мунший Жондорий, Мир Почо ибн Мир Раҳматуллох Бухорий, Мир Ҳусайн Кўлангий (Ҳиротлик машҳур Мир Али хаттотнинг шогирдлари), Мир Маъсум Бухорий, Аваз Бадалиий Бухорий, Мир Али

Фатхободий, Домло Бобобек, Абдулмажид Махдум, Мирзо Муҳаммаджон, Мирзо Исҳоқ каби заррин қалам соҳиблари – мохир хаттотларнинг номлари тез-тез учраши бунинг ёрқин далилидир.

Машҳур хаттотлар хуснихатларининг чиройли ва жозибадор бўлиши учун араб ҳарфларининг ҳар бирига сайқал беришга ҳаракат қилганлар. Зеро, хат инсон фикру истақларини ифода этувчи санъат турларидан биридир. Дунёдаги барча илоҳий муқаддас китоблар, қомусий, тарихий, илмий, адабий асар ва тўпламлар хаттот (каллиг-граф)ларнинг сермашаққат меҳнатлари эвазига бизгача етиб келган.

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар:

عَلَيْكُمْ بِحُسْنِ الْخَطِّ فَإِنَّهُ مِنْ مَفَاتِيحِ الرِّزْقِ (ذكره الصغاني في "الموضوعات")

Чиройли хат ёзишни ўрганинглари. Чунки у ризқнинг калитларидандир.

مَنْ كَتَبَ بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ بِحُسْنِ الْخَطِّ دَخَلَ الْجَنَّةَ بِغَيْرِ حِسَابٍ

«Кимки «Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим»ни чиройли хат билан ёзса, жаннатга сўроқсиз киради», дейилади.

من كتب بسم الله الرحمن الرحيم مجودة تعظيماً لله غفر الله له. رواه أبو نعيم في تاريخ

أصبهان وابن أشتيفي المصاحف، وضعفه السيوطي كما في الدر المنثور.

Хунук хат билан ёзилган китоб киши кўзига зарар қилишини ҳатто Ибн Сино «Тиб қонунлари» китобларида таъкидлаганлар. Шунинг учун ҳусни хат билан ёзилган китоблар ниҳоятда қадрланган. қадимда машҳур хаттотлар томонидан диний-тасаввуфий мазмундаги маснавийлар, рубоийлар, мухаммаслар, қитъалар катта хат билан ёзилиб, музаҳҳиблар томонидан безатилиб, подшоҳларга, вазирларга, умуман санъатсеварларга тухфа этилган. Амир Умархон эса моҳир хаттотлар ёзган ҳар бир хат эвазига тилла танга берган.

Бу каби бебаҳо хаттотлик намуналари эъзозланиб, авлоддан-авлодга, қўлдан-қўлга ўтиб келган. Авайлаб қолинган табаррук хатлар масжиду мадрасаларга, хонақоҳларга илиб қўйилган.

Рисоланинг 71-78-саҳифаларида келтирилган хатлар бухоролик машҳур хаттотларнинг муборак дастхатларидан намуналар бўлиб, ундаги ҳар бир шеър тасаввуф талқинига бойдир.

Ё Раб, дар халқ такагоҳам накунй,
Муҳтожи вазиру подшоҳам накунй,
Мўйи сиёҳам аз карамат гашт сафед,
Бо мўйи сафед дилсиёҳам накунй.

Таржимаси:

Ё Раб, менга халқни такагоҳ этма,
Вазиру подшоҳга муҳтож этма.

Қаро сочим оқарди карамингдан,

Оқ сочим ила кўнглимни қаро этма.

Мазмуни: Илоҳи, суянчиғим Сен. Кишиларни менга суянчиқ қилма.

Подшоҳу вазирга мени муҳтож айлама, яъни ҳамма ҳожатларимни Ўзинг раво қил. Сенинг тоатингда бўлиб сочим оқарди. Энди Сенинг зикрингсиз, муҳаббатингсиз кўнглимни қора этма.

Агар хунам хўрад, бодо, ҳалолаш,

Ва гар сар хоҳад – инак поймолаш.

Ду олавро агар бахшанд бо ман,

Нахоҳам жуз тамошойи жамолаш!

Таржимаси:

Агар қонимни ичса бўлсин ҳалоли,

Агар бошимни истар йўқдир малоли.

Керакмас берсалар икки жаҳонни,

Менга танҳо тилак Ёрнинг жамоли.

Мазмуни: Ёрим қонимни ичса ҳам, бошимни поймол қилса ҳам розиман. Агар менга икки жаҳонни берсалар ҳам, Аллоҳнинг жамолидан бошқа ҳеч нарсани истамасман.

Дарде нажашидам, ки давойи ту надошт,

Оҳе накашидам, ки ҳавойи ту надошт.

Ашке нафишондам, ки ба роҳи ту набуд,

Занге* нашикастам, ки садойи ту надошт.

Таржимаси:

Бир дард тотмадимки, Сендан даво бўлмаса,

Бир «оҳ» тортмадимки, Сендан ҳаво бўлмаса,

Ёш оқизмадим, Сенинг йўлингда бўлмаса,

Бир занг урмадимки, Сендан садо бўлмаса.

*Мирзо Абдул-Қодир Бедил. «Рубоиёт» (Мунтахаб)да (Нашриёти Давлати Тоҷикистон, 1961, 17-сах.) *Ранге* ёзилган. – Мухаррир.

Мазмуни: Парвардигоро, менга ўз ишқинг дардини бергин, Сен учун оҳ урайин. Кўз ёшимни фақат Сен учун оқизайин. Бонг урадиган бўлсам ҳам, у Сен учун садо чиқарсин.

Дил ба умеди васли ту ҳамдами жон намешавад,

Жон ба ҳавойи кўйи ту хизмати тан намекунад.

Ин дили пурзах зи гирди манрафт ба чини зулфи ту,

Хуш сафаре гузид аз он ёди Ватан намекунад.

Таржимаси:

Васлингни умид айлаб, дил ҳамдами жон бўлмагай,

Кўйингни ҳавас айлаб, жон хизмати тан қилмагай.

Захга тўлган бу юрак кетди зулфинг печи-ла,

Бу не хуш сафарки, дил ёди Ватан қилмагай.

Мазмуни: Парвардигоро, дил Сенинг васлингда жон билан бирга бўлмайди, жоним эса Сенинг васлинг умидида таним хизматини қилмайди. Бу муҳаббат билан лиммо-лим қалбим Сенинг севгинг туфайли захга тўлди. Бу қандай илоҳий ишқки, Сени зикр қилганимда ҳамма нарса эсдан чиқади.

Насихат кунам, ёд гиру дар амал ор!

Ки ин ҳадис зи пири тариқат ёд аст.

Мажў дурустй ахд аз жаҳони сустниҳод,

Ки ин ажуза арўси ҳазор домод аст.

Таржимаси:

Бир насихат айлайин, ёдда тут, айла амал,

Ки, тариқат пирларидан бизга мерос бу ҳадис:

Бевафо ушбу жаҳондан излама бир яхшилик,

Минг куёвни алдаган бу кампирда йўқдир тамиз.

Мазмуни: Пирларимдан мерос қолган бир насихатимни айтай, уни ёдда тутгин: Бу фоний дунёга кўп кўнгил қўйма. Дунё минг куёвни кўрган кампирга ўхшайди, яъни ўткинчи дунёга кўнгил боғлама; Аллоҳни эсдан чиқарма.

Ниҳол саркашу гул бевафо, лола ду ранг,

Дар ин чаман ба чй умед ошён бандам.

Таржимаси:

Ниҳол саркашу гул бевафо, лола ҳарранг,

Бу чаманни мен нечун ошён қилай?

Мазмуни: Дунёдаги ниҳол осмонга қараб бўй чўзади, гул сўлади, лола эса ранг-баранг, яъни бирор нарса бу дунёда абадий қолмайди.

Шундай экан, мен бу ўткинчи дунёнинг нимасига умид боғлай?

Бе илму амал беҳишти ризвон маталаб,

Бе рўзаю бенамоз иймон маталаб.

Хоҳи, ки зи Пули сирот осон гузарй,

Озори дили ҳеч мусулмон маталаб!

Таржимаси:

Бе илму амал беҳишти ризвон тилама,

Берўзаю бенамоз асло иймон тилама.

Ул сирот кўпригидан ўтмоқни осон истасанг,

Бир мусулмон кўнглига озору армон тилама.

Мазмуни: Илму амалсиз жаннату ризвонни орзу қилма. Намоз ўқимай, рўза тутмай иймонни истама. Қиёмат куни сирот кўпригидан осон ўтишни орзу қилсанг, ҳеч бир мусулмон қалбига озор берма.

Бо аҳли хирад нишину барҳез

Ваз мардуми беҳирад парҳез
Аз аҳли хирад расад камолат,
Ваз мардуми беҳирад–малолат.

Таржимаси:

Ўлтириб тур илм аҳли бирла иноқ,
Беилмнинг суҳбатидан қоч йироқ.
Аҳли илмнинг суҳбатидан бор камол,
Илми йўқнинг суҳбаотида бор малол.


Мазмуни: Илм аҳли билан бўлсанг, Аллоҳ маърифатидан бохабар бўласан. Аксинча илмсизлар суҳбаотида бўлсанг, маломатга қоласан.

Барги дарахти сабз дар назари ҳушёр,
Ҳар варақаш дафтарест маърифати кирдикор.

Таржимаси:


Дарахтнинг ҳар баргига ким ташласа ҳушёр нигоҳ,
Кирдикорнинг маърифат дафтарида бор сабоқ.

Мазмуни: Дарахтларнинг кўм–кўк барги Аллоҳни танийдиган кишига Ҳақ таолонинг маърифат дафтарида хабар беради, яъни орифлар Аллоҳнинг яратган ҳар бир нарсасидан ҳикмат излайдилар, қалб кўзи билан қарайдилар. Ҳатто инсонлар оддий назар билан қарайдиган ўша баргда ҳам Аллоҳнинг борлигидан далолат берувчи аломатлар бор.


















Силсилаи шариф

1. Сарвари коинот Муҳаммад алайҳиссалом (571-632)

2. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (разияллоҳу анҳу) (569–634)
3. Ҳазрати Салмон Форсий (р.а.)
4. Ҳазрати Қосим ибн Муҳаммад (р.а.)
5. Ҳазрати Имом Жаъфари Содиқ (р.а.) (ваф.766)
6. Ҳазрати Шайх Боязид Бастомий (қаддасаллоҳу сирраҳу) (ваф.875)
7. Ҳазрати Шайх Абул Ҳасан Харақоний (қ.с.)
8. Ҳазрати Шайх Абу Али Формадий (қ.с.) (ваф.1077)
9. Ҳазрати Шайх Юсуф Ҳамадоний (қ.с.) (1049–1141)
10. Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний (қ.с.) (1103–1179)
11. Ҳазрати Хожа Ориф Ревгарий (қ.с.) (ваф.1317)
12. Ҳазрати Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий (қ.с.) (ваф.1317)
13. Ҳазрати Хожа Али Рометаний (қ.с.) (ваф.1326)
14. Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобои Самосий (қ.с.) (ваф.1354)
15. Ҳазрати Хожа Амир Кулол (қ.с.) (ваф.1370)
16. Ҳазрати Шайх Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий (қ.с.) (1318–1389)
17. Ҳазрати Хожа Алоуддин Аттор (қ.с.) (ваф.1400)
18. Ҳазрати Мавлоно Яъқуб Чархий (ваф.1447)
19. Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Шоший Самарқандий (1404–1490)
20. Ҳазрати Шайх Абдуллоҳ Яманий Ҳазарамавтий – Мир Араб (ваф.1526)

21. Ҳазрати Аҳмад Хожагий Косоний – Махдуми Аъзам (ваф.1542)
22. Ҳазрати Шайх Муҳиддин Муҳаммад Яҳё
23. Ҳазрати Хожа Ислом Жўйборий – Хўжа Калон (1493–1563)
24. Ҳазрати Шайх Жалол (ваф.тах.1548)
25. Ҳазрати Шайх Хожа Зайниддин (ваф. тах. 1570)
26. Ҳазрати Шайх Шох Муҳаммад Поянда Ахсавий
27. Ҳазрати Хожа Саъд Жўйборий (1531–1589)
28. Ҳазрати Хожа Тожуддин Жўйборий (1574–1646)
29. Абул Аббос Муҳаммад Толиб
30. Ҳазрат Мавлоно Абдурахим Жўйборий
31. Ҳазрати Мавлоно Шариф (1617–1699)
32. Ҳазрати Шайх Ҳабибуллоҳ Ахсавий (XVII)
33. Ҳазрати Мулло Муҳаммад Охунд – Эшони Имло Бухорий
(ваф.1749)
34. Ҳазрати Халифа Худойдод (ваф.1801)
35. Ҳазрати Халифа Ниёзкул Чор Минорий (ваф.1827)
36. Ҳазрати Халифа Муҳаммад Ҳусайн (ваф.1834)
37. Ҳазрати Муҳаммад Шарифхожа Бухорий (ваф.1845)
38. Ҳазрати Мир Иноятуллоҳ Мавлавий (ваф.1857)
39. Ҳазрати Мавлоно Домло Ҳасанча (ваф.1867)
40. Ҳазрати Қози Домло Абдушукур Бухорий (ваф.1880)

41. Ҳазрати Шайх Домло Юсуф Бухорий (ваф.1916)
42. Ҳазрати Эшон Султонхон (ваф.1918)
43. Ҳазрати Шайх Домло Холмурод (ваф.1921)
44. Ҳазрати Домло Қутбиддин Бухорий (ваф.1921)
45. Ҳазрати Эшон Ибодуллохон Махдум (ваф.1925)
46. Ҳазрати Эшон Саббохон (ваф.1930)
47. Ҳазрати Эшони Яҳёхон (ваф.1948)
48. Ҳазрати Эшон Ҳабибуллохон Ахсавий Бухорий (ваф.1950)
49. Ҳазрати Шайх Кароматулло (ваф.1955)
50. Ҳазрати Эшон Нақшбандхон (ваф.1958)
51. Ҳазрати Шайх Домло Исмоил (1880–1957)
52. Ҳазрати Шайх Сулаймонхўжа Орифий (1884–1979)
53. Ҳазрати Қори Абдурахим (1888–1962)
54. Ҳазрати Ҳожи Мардонқул (ваф.1966)
55. Ҳазрати Халифа Абдулвоҳид (ваф.1968)
56. Ҳазрати Домло Абдузоҳир (ваф.1969)
57. Ҳазрати Домло Асрор (ваф.1975)
58. Ҳазрати Қори Ғуломқодир (1882–1977)
59. Ҳазрати Қори Абдулазиз (ваф.1982)
60. Ҳазрати Домло Абдулҳаким (ваф.1984)
61. Ҳазрати Ғуломжон Изомий (1890–1991)

Диёримизда яшаган буюк пирлар

Бухоролик пирлар

1. Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Бухорий (768–833)
2. Абу Абдуллоҳ Ҳафс ибн Аҳмад Бухорий – Абу Ҳафс Сағир
3. Абдуллоҳ ибн Ҳафс Бухорий
4. Абу Муҳаммад Исо ибн Мусо Ғунжор (ваф. 802)
5. Абу Исҳоқ Аҳмад ибн Исҳоқ Сурморий (ваф. 857)
6. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Бакр Жоварсоний (ваф. 873)
7. Абу Аҳмад Набҳон ибн Исҳоқ Паскойирий (ваф. 923)
8. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан Мазранканий (ваф. 942)
9. Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад Тавовисий (ваф. 956)
10. Абу Солиҳ Халаф ибн Солиҳ Шарафданий (ваф. 958)
11. Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Абдуллоҳ Музаний (ваф. 968)
12. Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Муҳаммад Миғий Бухорий (ваф. 989)
13. Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ Калободий Бухорий (ваф. 991)
14. Абу Наср Мансур ибн Муҳаммад Бухорий Муҳтасиб (ваф. 992)
15. Абул Ҳасан Али ибн Абдуллоҳ Тарсусий Сўфий (ваф. 993)
16. Ҳасан ибн Абдулмалик Мустамлий Яшқурий (ваф. 1004)
17. Саййид Побанд (ваф. 1004)

18. Абул Ҳусайн Али Ибн Аҳмад Ажаннасий (ваф. 1006)
19. Абу Муҳаммад ибн Шайба Шуайбий (ваф. 1006)
20. Абул Музаффар Абдулкарим ибн Абу Ҳанифа Андақий (1010–1089)
21. Абу Шуайб Солиҳ ибн Муҳаммад Сижорий (ваф. 1014)
22. Абу Абдуллоҳ Тоҳир ибн Муҳаммад Ҳаддодий Бухорий (ваф. 1016)
23. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад Ревий (ваф. 1027)
24. Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад Мустамлий (ваф. 1043)
25. Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳусайн Андақий Бухорий (1069–1158)
26. Абул Қосим Восил ибн Ҳамза Хунбуний (ваф. 1075)
27. Муҳаммад ибн Абдурахмон Алоий (Ҳаср)
28. Абу Муҳаммад Абдулвоҳид ибн Абдурахмон Варкий (ваф. 1102)
29. Абу Муҳаммад Ҳожиб Вазвиний
30. Исмоил ибн Ҳусайн Бухорий
31. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний – Хожаи жаҳон (1103–1179)
32. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳамза Худободий (ваф. 1108)
33. Абул Макорим Ҳамза ибн Ибриҳим Худободий (тав. 1094)
34. Умар ибн Муҳаммад Бухорий Хушномиий (ваф. 1129)
35. Абул Маолий Саҳл ибн Маҳмуд Барроний (ваф. 1131)
36. Абул Фазл Муҳаммад ибн Али Мутаҳҳарий Бухорий (ваф. 1143)
37. Абул Ҳасан Муқотил ибн Саъд Байдарий

38. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Фазл Хайрохарий
39. Жамолуддин Саттожий (1150–1243)
40. Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад Фазлий (ваф. 1155)
41. Абу Ҳафс Сафкардарий
42. Яхё Занданий
43. Сайфиддин Бохарзий (1190–1261)
44. Абу Бакр Аҳмад ибн Муаббид Бухорий
45. Абу Таййиб Жулвон ибн Самура Понабий
46. Абу Муҳаммад Абдулваҳҳоб ибн Абдулвоҳид Зибадвоний
47. Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд аз–Зоҳид
48. Абу Наср Аҳмад ибн Фазл Жандий (X аср)
49. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Миждуний
50. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Бакр Мадиний (XI аср)
51. Абу Ҳафс Умар ибн Абу Бакр Мадиний Собуний (XI аср)
52. Хожа Ғариб (XII аср)
53. Ҳаким ибн Иброҳим
54. Хушном Шаъроний
55. Абу Наим Абдусамад ибн Али Шиёий
56. Абу Ҳафс Аҳмад ибн Абу Бакр Мохий
57. Хожа Ориф Ревгарий (ваф. 1317)
58. Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий (ваф. 1317)
59. Хожа Али Рометаний – Хожа Азизон (ваф. 1326)
60. Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий (ваф. 1354)

61. Хожа Амир Кулол (ваф. 1370)
62. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389)
63. Муҳаммад ибн Муҳаммад Алоуддин Аттор Бухорий (ваф.1400)
64. Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Ҳофизиддин Тоҳир
65. Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳофиз Бухорий – Хожа Муҳаммад Порсо
(ваф. 1419)
66. Хожа Ҳасан Аттор (ваф. 1423)
67. Абул Қосим ибн Муҳаммад Бухорий (XV аср)
68. Хожа Исматуллоҳ Бухорий (1365–1436)
69. Камолуддин Тоҳир ибн Ҳазрат Имом Музаффар (ваф. 1437)
70. Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳофиз Бухорий –Хожа
Ҳофизуддин (ваф. 1471)
71. Муҳиддин Муҳаммад Яҳё
72. Хожа Ислом Жўйборий – Хўжа Калон (1493–1563)
73. Хожа Тожуддин Жўйборий (1574–1646)
74. Абул Аббос Муҳаммад Толиб
75. Хожа Амин Ғиждувоний – Эшони Калон (XVI аср)
76. Саййид Зинда Али Тавовисий ибн Мурҳасаён Бухорий Қосимий
(XVI аср)
77. Амир Абдуллоҳ Яманий Ҳазарамавтий – Ҳазрати Мир Араб
(ваф.1526)

78. Шайх Жалол Ҳиравий Бухорий (ваф.1550)
79. Ҳазрат Қосимшайх (ваф.1578)
80. Саййид Латиф Мир Кулолий (ваф.1597)
81. Абу Муҳаммад Ҳожи Вазвиний
82. Амир Садриддин Юнус
83. Муҳаммад Зоҳид Бухорий
84. Хожа Саййид Жалол
85. Ҳазрат Ҳусайнхўжа
86. Муҳаммад Тоҳир Ҳиравий Хабушоний Бухорий
87. Муҳаммад Обид ибн Муҳаммад Тоҳир Бухорий
88. Абу Бакр Фолизбон Бухорий
89. Хожа Аҳмад Сиддиқ
90. Хожа Авлиёи Кабир
91. Хожа Дехқон қалтий
92. Хожа Закий Худободий
93. Хожа Сукмон
94. Хожа Авлиёи Порсо
95. Хожа Ҳасан Шоварий
96. Хожа Ўктамон
97. Хожа Авлиёи Ғариб
98. Хожа Сулаймон Карминий
99. Хожа Муҳаммадшоҳ Бухорий
100. Шайх Саъдуддин Ғиждувоний
101. Хожа Алоуддин Ғиждувоний
102. Шайх Илёс

103. Шайх Абу Саид Бухорий
104. Амир Ҳасан – Амир Калон Вобкандий (ваф. ХҮІ аср)
105. Амир Ҳусайн – Амир Хурд Вобкандий (ваф. ХҮІ аср)
106. Дарвешали Фошуний
107. Амир Фошуний
108. Хожа Али Арғандоний
109. Мавлоно Дарвеш
110. Хожа Аҳмад Шукур
111. Хожа Хурд
112. Халифа Ошур Муҳаммад Тоданий
113. Боқий Муҳаммад Шикорий Фаноий Бухорий (XVII)
114. Ҳазрат Мавлоно Шариф – Мавлавий Шариф (1617–1699)
115. Дарвеш Муҳаммад Мирободий (ваф. 1654)
116. Хожа Муҳаммад Шириний (ваф. 1660)
117. Муҳаммад Қосим Бухорий – Дарвозаи оби (ваф. 1660)
118. Пир Муҳаммад Қабодиёний (ваф. 1667)
119. Абдулазиз Хожа Амир Кулолий (XVIII аср)
120. Салоҳ ибн Муборак Бухорий (XVIII аср)
121. Шайх Ҳабибуллоҳ (ваф. 1700)
122. Сўфий Носируддин Маҳмуд Бухорий (ваф. 1706)
123. Муҳаммад Мурод Бухорий (ваф. 1729)
124. Мулло Муҳаммад Охунд – Эшони Имло (ваф. 1749)

125. Муҳаммад Ҳусайний Алавий Бухорий (1785–1870)
126. Шайх Сафар (ваф. 1785)
127. Халифа Муҳаммад Амин – Эшони Пир
128. Мавлоно Абдурахим (ваф. 1867)
129. Халифа Муҳаммад Сафар
130. Халифа Худойдод (ваф. 1801)
131. Халифа Ниёзқули (ваф. 1827)
132. Халифа Муҳаммад Ҳусайн (ваф. 1834)
133. Муҳаммад Шариф Хожа Бухорий (ваф. 1845)
134. Мир Иноятуллоҳ Мавлавий (ваф. 1857)
135. Ҳазрат Домло Ҳасанча Бухорий (ваф. 1867)
136. Эшони Султонхўжа – Эшони қози (ваф. 1902)
137. Ҳоди Хожа шайх ул-ислом
138. Низомуддин ибн Хожа Муҳаммад Яҳё
139. Эшон Мирзо Баҳодирхожи Ширбудуний
140. Эшон Муҳаммад Зоҳидхожи
141. Халифа хожи Муҳаммад Юсуф
142. Халифа Мусохожа шайх ул-ислом
143. Эшон Атоуллоҳ Хожа шайх ул-ислом
144. Қози Маҳмуд
145. Мавлоно Мастий
146. Мавлоно Камолуддин Фағондезий–Охунд Калон

147. Ҳазрати Шоҳ Ахсавий
148. Хожа Калон Шириний
149. Охун Мавлоно Усмон Толиқоний Бухорий
150. Амир Бузруг
151. Хожа Муҳаммад Бухорий – Шайхи духтар
152. Ҳазрат Хожа Турсун
153. Мавлоно Шоҳ Муҳаммад Сарроф
154. Мавлоно Солиҳ Таркибий
155. Амир Абдуллоҳ Занданий
156. Ҳазрат Сўфий Мирзохўжа
157. Халифа Мир Муҳаммад
158. Амир Саййид Али
159. Тоҳир ибн Хожа Бухорий

Термизлик пирлар

1. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад Фақиҳ Термизий (816–909)
2. Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ Сағоний (ваф.884)
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий (X аср)
4. Абу Бакр Маҳаммад ибн Умар Варроқ Термизий
5. Абу Муҳаммад Солиҳ ибн Муҳаммад Термизий (X аср)
6. Абу Зар Термизий
7. Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий
8. Абул Музаффар Ҳаббол ибн Аҳмад Термизий

9. Саййид Бурхониддин Муҳаққиқ

Хоразмлик пирлар

1. Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад Баррқоний Хоразмий (948–1035)
2. Абу Бакр Аҳмад Барақий (ваф.987)
3. Ҳазрат Хожа Абдуллоҳ Барақий
4. Абул Осим Музаффар ибн Аҳмад Ғазинизий Котий (ваф. 1106)
5. Абу Абдуллоҳ Хоразмий Бухорий
6. Нажмиддин Кубро (1145–1221)
7. Аҳмад ибн Умар Хивақий Хоразмий
8. Паҳлавон Маҳмуд
9. Абул Жанноб Аҳмад ибн Умар Хивий Суфий
10. Муҳаммад Тохир ибн Муҳаммад Таййиб Хоразмий (XVIII аср)
11. Хожа Абул Вафо Хоразмий (ваф. 1432)
12. Шайх Алоуддин Хоразмий
13. Ҳубби Хожа
14. Шайх Абул Ҳасан Ишқий
15. Маҳмуд Муқрий
16. Имраатун Хоразмийя

Самарқандлик пирлар

1. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримий Самарқандий (798–870)
2. Абу Закариё Яҳё ибн Муҳаммад Варағсарий (ваф. 846)
3. Абу Ҳафс Умар ибн Яъқуб Санжадизакий (ваф. 855)
4. Абд ибн Саҳл Зоҳид Самарқандий (X аср)
5. Абу Муҳаммад Абдурахмон ибн Муоз Бурнамадий (X аср)
6. Абу Бакр Дулаф ибн Жаҳдар Шиблий
7. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Шиблий (ваф. 946)
8. Абу Назр Муҳаммад ибн Исҳоқ Рашодий Самарқандий (ваф.951)
9. Абул Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад Ҳаким Самарқандий (ваф.953)
10. Абу Амр Муҳаммад ибн Исҳоқ Усфурий (ваф.960)
11. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Бужайрий Хушуфағний (ваф. 983)
12. Абу Саид Муҳаммад ибн Аббос Ғозий Ромий (ваф. 984)
13. Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад Самарқандий (ваф. 986)
14. Абу Наср Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Хузондий (ваф. 993)
15. Абу Саид Ҳасан ибн Али Форисий Добавайҳи (ваф. 997)
16. Абу Зайд Абдуллоҳ ибн Умар Дабусий (ваф. 1039)
17. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Юсуф Канваний (ваф. 1088)
18. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад Вазорий (ваф. 1088)
19. Абул Қосим Али ибн Абу Яъло Дабусий (ваф. 1090)

20. Абул Ҳасан Али ибн Абу Саҳл Зоминий (ваф. 1102)
21. Абул Ҳасан Али ибн Усмон Харрот (ваф.1107)
22. Абул Қосим Маҳмуд ибн Маймун Дабусий (ваф.1136)
23. Абу Аҳмад Мусо Самарқандий Ховасий
24. Абул Фатҳ Маймун ибн Муҳаммад Дабусий (ваф.1147)
25. Мулло Жумъақули Ургутий Хумулий (XIII аср)
26. Бакр Суғдий
27. Ҳошим Суғдий
28. Ғайлон Самарқандий
29. Кешлиғ ато
30. Умар ато
31. Шайх Бурҳониддин Соғаржий
32. Мавлоно Мир Имом
33. Муҳаммад ибн Бурҳонуддин қози (XV аср)
34. Мусо ибн Исо Даҳбедий Самарқандий (ваф.1776)
35. Эшон Валихон Ургутий
36. Шайх Муҳиддинхон – Эшони Ургутий
37. Домло Қутбиддин Ургутий
38. Ҳазрат Халифа Иброҳим (ваф.1879)
39. Эшони Султонхон ибн Халифа Иброҳим (ваф.1924)
40. Эшони Бобохон ибн Султонхон (ваф.1991)
41. Эшони Темурхон (XX аср)

Шошлик пирлар

1. Абу Салама Наср ибн Муҳаммад Шоший Сўфий Илоқий (ваф.981)
2. Абу Шурайх Исмоил ибн Аҳмад Наққоз Шоший (ваф.1078)
3. Абул Ҳасан Саид ибн Ҳотам Усбоникасий (X аср)
4. Муҳаммад Олим Шоший
5. Занги ота
6. Мавлоно Тожуддин Дарғамий
7. Шайх Умар Боғистоний Тошкандий
8. Шайх Хованд Тахур (ваф.1360)
9. Хожа Довуд
10. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Шоший Самарқандий (1404–1490)
11. Хожа Абдулҳақ (XVI аср)
- 12.. Эшон Абдулмажидхон (XIX аср)
13. Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон (1859–1956)

Фарғоналик пирлар

1. Абул Қосим Маҳмуд ибн Муҳаммад Ахсикасий (X аср)
2. Абу Наср Мансур ибн Аҳмад Ғазақий (ваф.1073)
3. Абул Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад Ахсикатий (ваф.1127)
4. Абу Рашод Аҳмад ибн Муҳаммад Ахсикатий (ваф.1136)

5. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Андуконий Фарғоний (ваф.1151)
6. Абу Тохир Ҳарамий
7. Абу Жаъфар Муҳаммад Фарғоний
8. Шайх Аҳмад Жувоғар
9. Шайх Саидуддин Фарғоний
10. Халил ибн Аҳмад Қубовий (XI аср)
11. Лутфуллоҳ ибн Фатҳуллоҳ Ахсикатий (XVI аср)
12. Муҳаммад Содик ибн Абдулбоқи Фарғоний (XVI аср)
13. Аҳмад Хожагий Косоний – Махдуми Аъзам (ваф.1542)
14. Абул Бақо ибн Хожа Баҳоуддин ибн Махдуми Аъзам (XVII аср)
15. Аҳмад Носируддин Марғилоний
16. Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Азим Марғилоний Чимёний Нақшбанд (XIX аср)

Кеш ва Насафлик пирлар

1. Абу Абдурахмон Муоз ибн Яъқуб Насафий Косаний (IX аср)
2. Абу Туроб Аскар ибн Ҳусайн Нахшабий (ваф. 860)
3. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Назр Миждувоний (X аср)
4. Абул Ҳасан Ҳумайд ибн Наим Аншамитний (X аср)

5. Абу Наср Муҳаммад ибн Таййиб Кеший (ваф. 931)
6. Абу Бакр Абд ибн Абул Аббос Ёний Насафий (ваф. 939)
7. Абул Бади Аҳмад ибн Муҳаммад Насафий Макхулий (943–990)
8. Абу Абдуллоҳ Насуҳ ибн Восил Варозоний Насафий (ваф. 955)
9. Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Баздавий (XI аср)
10. Абул Ҳасан Наср ибн Аҳмад Ҳомидий (ваф. 1006)
11. Абул Ҳасан Тохир ибн Муҳаммад Хушномиий (ваф. 1007)
12. Абу Муҳаммад Усмон ибн Муҳаммад Насафий Мувоний (ваф.1032)
13. Абу Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр Ибсаний (1086–1158)
14. Абу Али Ҳасан ибн Абдуллоҳ Батхудоний Насафий (1099–1157)
15. Абу Мусо Васир ибн Мунзир Офуроний Насафий
16. Абу Наср Аҳмад ибн Абдулжаббор Баладий (XII аср)
17. Шайх Азизиддин ибн Муҳаммад Насафий (XIII аср)
18. Дарвеш Муҳаммад Шаҳрисабзий Эмканагий (ваф. 1562)
19. Мавлоно Хожагий Эмканагий (ваф. 1600)
20. Муҳаммад Хожа Ҳинду ибн Хожа Калон Хузорий (XVI аср)
21. Дўстмуҳаммад ибн Наврўзахмад Кеший (XVII аср)

Мухаррир сўнгсўзи

Мухтарам китобхон, рисола билан танишиб чиқиб, асрлар давомида халқимиз маънавиятининг ажралмас қисмига айланган ислом динимизга оид тушунчаларингизни бирмунча бойитдингиз – тасаввуф илми, тариқат одоби асосларини такрорладингиз.

(«Силсилаи шариф»даги айрим халқалар бошқа манбалардагидан бир оз фарқ қилиши, «Диёримизда яшаган буюк пирлар» рўйхатига кирмай қолганлар бўлиши мумкин ва б.) Бунинг учун зийрак ўқувчиларимиздан узр сўраймиз ва йўл қўйилган хато–камчиликларни адолат қалами ила тузатадилар, деб умид этамиз: Парвардигорнинг Ўзигина беайб эканлигини ҳаммамиз биламиз.

Рисолани турли ёшу савиядаги кишилар ўқиши мумкинлигини ҳисобга олиб, қуйидагиларни таъкидлашни истардик: **роҳиблик** (таркидунёчилик)ни Аллоҳ таоло буюрган эмаслиги (21-б.), тариқат қоидасидаги **фақирлик** қашшоқликда яшаш дегани эмаслиги(31-б.), «**Ўлмасдан олдин ўлинглар**» мутлақо ажал келмасдан олдин ўзларингизни ўлдиришлар дегани эмаслиги(33-б.) ҳақида ёзилганларни қайта–қайта ўқиш ва уқиш лозим; тасаввуфнинг мақсади инсон камолоти эканлиги боис нафс тарбияси тўғрисида битилганлар(47–50-б.)нинг мағзини чақиш, Нажмиддин Кубро:

Бир дев бор ичимда, асти пинҳон бўлмас,

Бошини эгмак онинг осон бўлмас, –

деганидек, маънавий тубанлик ва инсонликни емирадиган иллатларни нафс келтириб чиқаришини чуқур англаш; гуноҳи кабиралар(11–13–б.)дан сақланиш; инсоний бурчлар(13–14–б.)ни бажариш, устозлар ҳурматини жойга қўйиш(26–б.), шарқона пир–мурид анъаналарини доимо эсда тутиш зарур. Шунингдек, пайғамбарлар ўз қўллари билан меҳнат қилиб ҳалол ризқ еганлари(21–б.), тариқат пирлари ҳам шу йўлдан борганликларини, масалан, Юсуф Ҳамадоний деҳқончилик ва этикдўзлик билан шуғулланганликларини, Мирзо Бедил:

То фазлу ҳунарга етишмай инсон,

Унга бахт эшиги очилмас осон, –

деб ёзганидек, меҳнату ҳунар бахт эшиги калити эканини унутмаслик даркор.

Шу ўринда муаллифимиз – 1950 йилда Бухорода туғилган, шу ердаги Мир Араб мадрасасини, Тошкентдаги Имом ал–Бухорий номли олий маъҳадни тугатган, қарийб 30 йилдан буён ўзлари дастлаб таҳсил олган мадрасада ҳадис, фикҳ, тасаввуф, хатоба, хаттотлик каби фанлардан сабоқ бериб талабалар эҳтиромига сазовор бўлиб келаётган, «Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар» китобидаги минг бир ҳадисни, Абдулқаҳҳор Шошийнинг «Мифтоҳул–қироа» («Қироат калити») китобидаги «Шайх Санъон» қиссасини настаълиқ хатида

битган, Абдулкарим ас-Самъонийнинг машхур «Ал-Ансоб» («Насабнома») асарини шогирди Комилжон Раҳимов билан араб тилидан ўзбекчага ўгирган Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг Бухоро вилоятидаги вакили, Масжиди Калон жоме масжиди имом-хатиби ҳожи Абдулғафур Раззоқ Бухорийнинг ҳам заррин қалам соҳиби (3-саҳифадаги дастхатга қаранг), бир неча ҳунар эгаси, халқ табобати ва шарқ мумтоз адабиётининг билағони эканликларини эслатиш жоиз.

Хулоса шуки, «Тариқатга йўлланма» диний аҳкомларни бажариш учун қўлланма деган бир ёқлама ҳукм чиқариш тўғри бўлмайди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг:

حَيْرُكُمْ مَنْ لَمْ يَتْرُكْ آخِرَتَهُ لِدُنْيَاہُ، وَلَا دُنْيَاہُ لِآخِرَتِهِ، وَلَمْ يَكُنْ كَالأَعْلَى النَّاسِ

(قال ابن حبان : نعيم يضع الحديث على أنس)

«Сизларнинг яхшиларингиз – дунё ишини деб охиратни, охиратни деб дунё ишини тарк қилмайдиган ва бошқаларга малоллик туширмайди- ганларингиздир» деб умматларини Аллоҳ инъом этган дунё неъмат- ларидан баҳраманд бўлишга чақирган ҳадислари бор. Илоҳи, шунга амал қилиб, икки дунё саодатидан баҳраманд бўлишни насиб этсин.

Мундарижа

Муқаддима ўрнида.....	
Ҳақ таоло маърифати.....	
Исломнинг устунлари.....	
Иймон.....	
Гуноҳи кабиралар.....	
Инсоний бурчлар.....	
Тафаъул – яхшиликка йўйиш	
Ҳидоят йўлидан адашмайлик.....	
Тасаввуф.....	
Валийлик (авлиёлик) мартабалари.....	
Шариат ва тариқат, маърифат ва ҳақиқат.....	
Байъат. Пир ва мурид муносабатлари.....	
Эргашишга лойиқ муршиднинг аломатлари.....	
Тариқат қоидалари.....	
Робита.....	
Муборак рашҳалар.....	
Рух – илоҳий сир.....	
Нафс тарбияси.....	
Нафснинг турлари.....	
Зикр ва унинг одоби.....	

Тарикатга кирувчининг вазифалари.....

Хатми Хожагон тартиби.....

Мумтоз асарларда тасаввуф жилоси.....

Бухоро хаттотлик санъатида тарикат талқини.....

Силсилаи шариф.....

Диёримизда яшаган буюк пирлар

Муҳаррир сўнгсўзи.....

Ўзбекистон Муслмонлари идорасининг Бухоро
вилоятидаги вакили Ҳожи Абдулғафур Абдурраззоқ Бухорийнинг
«Тарикат одоблари»
(Нақшбандия таълимоти асосидаги) рисоласи хусусида